Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Қўмитасининг бош нашри

РЎЗНОМА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 133 (21. 000) 1991 йил 12 июль, жума ● Рўзнома йилига 256 марта чиқади. ● Баҳоси 8 тийин.

Воқеалар, янгиликлар, шарҳлар

«Мухолифликка қўшилмоқчи эмасмиз»

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ БОШ КОТИБИНИНГ ЎРИНБОСАРИ В. А. ИВАШКО БИЛАН СУҲБАТ

Владимир Антонович, сўнгги вақтда сиз «Партияда дарзлар кўп» деган сўзни тез-тез такрорлаяпсиз, бундай дарзлар қанчалигини билмайсиз. Бу нимани англатади: партия парчаланиш арафасида турибдими?

— КПСС ўнлаб йиллар давомида ўзига хос шароитда шаклланган. У бирдан-бир партия бўлиб, жамият турмушини бошқариб келган. Ислоҳот бошланганч, жамият ҳаётида турли омиллар пайдо бўлди. Жамиятнинг табақаланиши табиий ҳол бўлиб қолди. Фикрларнинг, қарашларнинг ва баҳоларнинг бундай хилма-хиллигида бу ҳолат турли сабаблар билан партияга кирган одамларни бирлаштириб турган шу қадар катта партияга таъсир қилмай қолармиди? Баъзилар партияга ғоявий мулоҳазалар билан кирган бўлсалар, бошқалар амал мулоҳазалари билан, учинчилари эса тарғибот таъсирида кирганлар. Бизда ҳозир ҳам бевосита сталинизмга ишонадиган одамлар бор, бу партияни у ёки бу мавзудаги мунозараларнинг ихлосмандлари клубларининг қандайдир ҳамжамиятга айлантиришни хоҳлайдиган одамлар ҳам бор. Бу, нуқтаи назарларнинг иккита чети бўлиб, уларнинг ўртасида жуда кўп бошқа қарашлар мавжуд.

Табиийки, муайян йўлни тутиш лозим бўлган ўткир пайтларда маслакдош одамларнинг муайян гуруҳларга ажралиши юз беради. Партия ичида одамларнинг ўз қарашларига биноан бирлашиши хавфли эмас. Нима учун баҳслашмаслик керак, нима учун баҳсли масалаларни муҳокама қилмаслик керак, ахир партия жонли организмдир. Лекин муҳокамадан олдин оддий таҳлил бўлиши лозим. Таҳлил қилиш учун эса кўп одамларда кўникма йўқ, бошқаларда эса вақт ёки бардош етишмайди. Баъзида бундай меъёрий ҳолат қандайдир чегарадан ташқарига чиқиб кетади, бу чегара ташқарисида тактика ва стратегияси аниқ белгиланган гуруҳлар пайдо бўлади, муросасизлик кучая боради. Бундай гуруҳлар биттами, учтами, бештами, очиғини айтганда, улар қанчалигини билмайман. Аммо шундай гуруҳлар бор. Буни кўрмаслик хато бўлур эди. Ана шу жараённинг қандай кечаётганлиги ҳақида ўйламоқ керак. Масалан, бир йил муқаддам ана шундай дарзлардан бири шу қадар кенгайдики, «КПССдаги демократик платформа»га кирган одамларнинг бир қисми партиядан чиқиб кетди. Улар партиядан ажралдилар. Бундай жараёнларни рағбатлантира олмайман, рағбатлантирмоқчи эмасман, шунга қарамай буни фожиа, деб ҳиламайман. Бунинг сабаби мен темир-бетондек мустаҳкам бирлик тарафдори эканлигимда эмас, бунинг сабаби шундаки, мен ҳозирги вақтда пухта ўйланган, прагматик, миёна сиёсат мамлакатдаги одамларга зарур сиёсат эканлигига ишончим комиллигидир. Сўл ёки ўнг экстремизм йўлида туриб сиёсий, иқтисодий, ижтимоий

(Давоми иккинчи бетда).

Комсомолобод районидаги «Партия XIV съезди» давлат хўжалигида пахтачилик миришкорлари кўп. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ҳафиз Полвонов ана шундай кишилардан. У тадбиркорлиги, ташкилотчилиги билан ҳаммани аниқ мақсад сари сафарбар эта олади.

Об-ҳаво ноқулай келган бу йилги шароитда унинг ҳаётий тажрибаси, айниқса, асқотяпти. Ҳафиз Полвонов шогирди, давлат хўжалиги раҳбари Турсунбой Қўзибоев билан ғўза экилган майдонларни тез-тез кўздан кечиради. Деҳқонлардан қимматли маслаҳатларини аямайди.

«Партия XIV съезди» давлат хўжалиги пахтакорлари бу йил 2260 гектар майдонда ғўза ўстирмоқдалар. Белгиланган режа гектаридан 25 центнердан ҳосил кўтариш.

СУРАТДА: чапдан Ҳафиз ака Полвонов давлат хўжалиги директори Турсунбой Қўзибоев билан культивациянинг сифатини кўздан кечиришяпти.

Т. ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

И. КАРИМОВ:

«БИЗ ШУ ЙЎЛДАН ҚАТЪИЙ БОРАВЕРАМИЗ»

● Эндигина ишга туширилган «Наврўз» марказида ишбилармонларнинг Тошкентдаги биринчи учрашувига якун чиқарилганига бир неча ҳафта бўлди, холос. Ишбилармонларнинг бу мислсиз анжумани қандай ўтаётганлиги оммавий ахборот воситаларида кенг шарҳлаб борилди, ташкил этилган қўшма корхоналар, фирмалар ҳақида батафсил гапирилди.

Орадан вақт ўтгандан сўнг, ҳозир ана шу нодир сиёсий ва иқтисодий воқеага бошқа нуқтаи назардан қараш, юз берган воқеаларни идроклаш, эртанги кунга назар ташлаш мумкин.

ИЮНЬ ойида Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида ишбилармонлар учрашувига якун ясалди. Ўзбекистон ССР Президенти И. А. Каримов шу мажлисда сўзга чиқиб, учрашувни муваффақиятли, деб баҳолади. У ишбилармонларнинг июнь анжумани мустақиллик йўлига дадил ўтиб олган Ўзбекистоннинг сифат жиҳатидан янгича ривожланишининг чинакам йўли эканлигини таъкидлади. Ҳақиқий сиёсий ва иқтисодий мустақилликка эса фақат бир йўл билан яъни аниқ ишлар билан эришиш мумкин. Чиройли сўзлар, декларациялар бундай ҳолларда фақат ниқоб ролини ўйнаши мумкин. Чунки, хорижий ишбилармонлар бундай декларацияларга жиддий муносабат билдирмайдилар. Фақат аниқ ишланмалар, пухта, ҳар томонлама мезонга солинган ҳисоблар салмоқли хорижий сармояларни, замонавий технологияларни республикага жалб этиши мумкин эди.

Чамаси бунга эришилди ҳам. Ишбилармонлар анжумани кутилганидан зиёда бўлди, десак муболаға бўлмайди. Ташкил этилган қўшма корхоналар сонини, миллион сўмлаб сармояларни айтиб ўтирмаймиз. Улар яхши маълум. Гап бошқа нарсада. Хорижий компаниялар, корпорациялар ва банкларнинг вакиллари бу тадбирга қўшилганликлари тасодиф эмас. Улар ҳал қилувчи жиҳатларни эътиборга олдилар.

Биринчидан, республикадаги барқарор сиёсий вазият сармоя сарфлаш учун, ўзаро манфаатли ҳамкорлик учун, бинобарин фойда олиш учун яхши кафолатдир, буни ишбилармонлар алоҳида таъкидладилар.

Иккинчидан, Ўзбекистонга сафар қилиш, корхоналар билан танишиш хорижий фирмалар вакилларини республиканинг етарли даражада юксак иқтисодий имкониятлари борлигига, бу ерда халқ хўжалиги комплексининг ёрдамчи тармоқлари таркиб топганига ишонтирди. Табиийки, бунга жуда бой ер ости хазиналарини, ноёб табиий-иқлим шароитини ҳам қўшмоқ зарур.

Учинчидан, барча даражадаги мутахассисларнинг анча юксак тайёргарлиги, ишлаб чиқариш кучларининг улкан резервлари мавжудлиги хорижий сармоя эгаларини республикамизга жалб этмоқда.

(Давоми иккинчи бетда).

СССР Олий Кенгашининг қарори

1991 ЙИЛДА ЎРИМ-ЙИҒИМ ВА БОШҚА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИШЛАРИГА ХОДИМЛАР, ТАЛАБАЛАР ВА ЎҚУВЧИЛАРНИ ЖАЛБ ҚИЛИШ, ШУНИНГДЕК ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИНИ ЮБОРИШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРАЛАР ТЎҒРИСИДА

СССР Олий Кенгаши таъкидлайдики, республикаларнинг ҳукуматлари, маҳаллий идоралар 1991 йилда қишлоққа ёрдам бериш билан боғлиқ масалаларнинг бутун мажмуини ҳал қилиш юзасидан кўраётган чора-тадбирлари етарли даражада самарали эмас. Ходимлар, талабалар ва ўқувчиларнинг ўрим-йиғимда ва бошқа қишлоқ хўжалик ишларида иштирок этишни, шунингдек бу ишларга транспорт воситаларини юбориш тўғрисида қишлоқ хўжалик, саноат, транспорт ва ўзга корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ҳамда ўқув юртлари ўртасида шартнома тузиш ишлари чўзилиб кетмоқда. СССР Олий Кенгашига келаётган мурожаатлар ва хатлар шундан далолат берадики, бир қанча ҳолларда деҳқончилик-саноат комплекси корхоналари олдига бажариб бўлмайдиган шартлар қўйилмоқда, юқоридаги каби шартномаларни тузишни иқтисодий жиҳатдан зарарли, кўпинча мумкин бўлмайдиган ҳолга солиб қўювчи тазйиқ ўтказилмоқда.

Ҳосилни ўз вақтида сифатли ўриб-йиғиб олиш, унинг нобуд бўлишини камайтириш ғоят муҳимлигини ҳисобга олиб, СССР Олий Кенгаши **қарор қилади**:

СССР Вазирлар Маҳкамасига, республикаларнинг Олий Кенгашлари ва ҳукуматларига ҳосилни ўриб-йиғиб олишда ва бошқа қишлоқ хўжалик ишларида ишчилар, хизматчилар ва ўқувчилар иштирок этишини, шунингдек бу ишларга транспорт воситаларини юборишни рағбатлантирувчи самарали компенсация воситаларини қисқа муддатда ишлаб чиқиш ва жорий этиш тавсия қилинсин, бунда СССР Молия вазирлиги 1991 йилда ССР Иттифоқи ихтиёридаги корхоналар ва ташкилотлар учун белгилаган харажатларни қоплаш тартиби ва шартлари асос қилиб олинсин.

СССР Олий Кенгашининг Раиси
А. ЛУКЬЯНОВ.
Москва, Кремль.
1991 йил 6 июль.

МАВЗУ — ИТТИФОҚ ШАРТНОМАСИ

11 июль куни СССР Олий Кенгаши сессиясининг мажлисида энг муҳим масала — Иттифоқ шартномасини муҳокама қилиш асосий мавзу бўлди. Мажлисда СССР Президенти М. С. Горбачев, Вице-президент Г. И. Янаев, мамлакат ҳукуматининг аъзолари қатнашдилар.

А. И. Лукьянов шартнома лойиҳаси муҳокамасидан олдин гапириб, давлатимизнинг келажаги шу ҳужжатга боғлиқ эканини таъкидлади. Лойиҳа мураккаб сиёсий шароитда тайёрланди ва баҳамжиҳат бир фикрга келиш учун кўп куч-ғайрат сарфланди, деб уқтирди у. Ҳозир сўнгги босқич бошланмоқда, бу босқичда шартнома лойиҳасининг қоидаларини алоҳида синчиклаб чамалаб кўриш керак бўлади.

СССР Олий Кенгаши Миллатлар Кенгашининг Раиси Р. Н. Нишонов лойиҳа ҳақида маъруза қилди. У бир йилдан кўпроқ вақт давом этаётган ҳужжат устидаги ишнинг асосий босқичларини эслатиб ўтди, шартнома лойиҳасининг умумий концепцияси мамлакат ва республикаларнинг парламентларида муҳокама қилинганини, у мамлакат халқ депутатлари съезди томонидан маъқулланганини айтди.

Маърузачи изоҳ талаб қиладиган ва сиёсий жиҳатдан талқин этиладиган бир қанча қоидаларга тўхталди. У аввало бўлажак давлатнинг янги номи — Совет суверен республикалари Иттифоқи деб аталиши, унда «социалистик» сўзи йўқлиги хусусидаги мулоҳазаларини айтди, СССР Олий Кенгашини, унинг тузилмалари ва ваколатларини шакллантириш тартибига таллуқли фикрларни тушунтириб берди, бир қанча бошқа жиҳатларга тўхталди.

(ТАСС мухбири).

● Тадбиркорлар бор бўлсин

ЭРТАНИ ЎЙЛАГАН ЮТҚАЗМАЙДИ

● «Сўқоқ» дам олиш уйига бораверишда йўлнинг ўнг томонида, қирлар орасида «Паркент» асаларичилик давлат хўжалиги идораси жойлашган. Бундан тўрт йил аввал йўлимиз шу ёққа тушиб бирров кириб ўтганимиз эсдан чиқмайди. Дарвозадан киришимиз билан юрагимиз орқага тортиб кетганди. Қулай деб турган идора, машина-механизмларнинг занг босган лаш-лушлари, сувсизликдан қақшаб ётган экинлар кўчиб кетган ҳовлини эслатарди. Ўшанда хўжалик раҳбарларини излаб бекорга овора бўлган эканмиз. Улар бу ерда камдан-кам бўлишар экан.

Хўш, орадан уч-тўрт йил ўтиб бу ердаги аҳвол ўзгардимикин? Ёки ўша-ўшами? Шуни билиш мақсадида яқинда хўжаликка бордик. Энди дастлабки манзаранинг бутунлай аксини кўриш мумкин эди. Идора янги бинога кўчиб ўтибди. Ўша жойда асални идишларга қуядиган цех ишга туширилибди. Автомашиналар турадиган, созланадиган жой қуриляпти. Бетон ариқлардан зилол сув оқяпти. Демак, насос ёрдамида обиҳаёт ҳам олиб келинган.

Хўжалик раҳбари Холмат Холмонов ёш бўлса ҳам тадбиркор. У аввал район партия комитетида қишлоқ хўжалик бўлимини бошқарган экан.

— Даврнинг ўзи фаол ҳаракат қилишни талаб этиб турган пайтда қўл қовуштириб ўтириш жиноят билан тенг, — деди у қуюнчаклик билан. — Ишни кадрлар танлаш ва уларни жой-жойига қўйишдан бошладик. Қарс икки қўлдан, деганларидек, жамоа аъзоларидан меҳнат интизоми, ишга масъулиятни талаб қилиш билан бирга уларга қулай шарт-шароитлар яратиб беришни ҳам унутмадик.

Холматжоннинг нияти одамлар тўқ, фаровон яшаса. Бу борада аниқ тадбирларни амалга оширмоқда. Ўтган кўзда у жамоа аъзоларини тўплаб, миясида пишириб қўйган бир режани ўртага солди. Бу режа янги цех қуриб, асални аҳолига қулай бўлган — қадоқлаб сотиш усули билан боғлиқ эди. Фақат шу режанинг ўзинигина ўртоқлашиб қолмай, балки янгича ишлаш технологияси, келажак самараси, иқтисодий кўрсаткичлар тўғрисида аниқ фактларга суяниб гапирди. Бу режани кўпчилик мамнуният билан қўллаб-қувватлади.

Шундан кейин ишлар юришиб кетди. Ангрендаги асаларичилик кооперативи тугатилаётган эди. Аммо у ердан цех учун зарур бўлган қурилма-механизмларни сотиб олиш силлиққина кўчмади. Турли маҳкамачилик тўсиқларини енгишга тўғри келди. Бу ишга 250 минг сўм чиқим қилинди. Ниҳоят, янги цех фойдаланишга топширилди.

Энди сиғими 330 граммли шиша идишларни излаб топиш керак эди. Жумҳурият консерва заводлари манзилгоҳлари бўйлаб «юриш» бошланди. Ҳатто аҳоли ва савдо нуқталаридан идиш сотиб олишга тўғри келди.

Бир ҳафтадан кейин Ҳ. Холмонов ҳам хушхабар билан қайтиб келди. Шаҳрисабз консерва заводи билан шартнома тузишга муваффақ бўлибди.

Цехнинг тўла қувват билан ишга туширилиши ишчилар ва асаларичилар кайфиятини кўтариб юборди. Ҳозир бир кунда 700—800 килограмм асал 2,7—3 минг идишга қуйилаётир. Шу тариқа ўтган мавсумда давлатга 15 тонна асал сотилиб, бу борадаги режа ортиғи билан бажарилди. Йиллик маҳсулот етиштириш эса 32 тоннани ташкил этди. Хўжалик ўз тарихида биринчи марта асаларичиликдан 60 минг сўмдан зиёд даромад кўрди. Бу — 37 минг шартли банка асал сотилди, демакдир. Ҳар бир банкадан эса 1 сўм 10 тийиндан соф фойда олинди.

Бу — катта ишнинг дебочаси эди, холос. Хўш, сарфланган чиқим-харажатларни қандай йўл билан қоплаш мумкин? Фақат қоплашгина эмас, соф фойда ҳажмини кескин кўпайтириш учун қайси резерв ва имкониятлардан фойдаланиш йўллари бор? Мана шу ва шунга ўхшаш масалалар комплексини ҳал қилмасдан туриб, ишчилар моддий ва маиший аҳволини яхшилаш тўғрисида оғиз ҳам очиш мумкин эмаслигини Х. Холмонов яхши тушунади. Айниқса, нарх-навонинг кўтарилиши ишчилар турмушига жиддий таъсир қилмасдан қолмайди-ку!

Излаган имкон топар, деганларидек, бунинг йўли ҳам топилгандай бўлди. Жумладан, мазкур цехнинг йил бўйи ишлаб туриши учун аҳолидан асал сотиб олина бошланди. Ўтган йилги 2969 та асалари онласи бу йил 3350 тага етказилади. Фақат бугина эмас. Мавсум тугагандан кейин ишчилар бекор туриб қолмаслиги учун қўзиқорин етиштиришга ўтилади.

Иқтисодий таҳлиллар шуни кўрсатдики, агар режадан ташқари тайёрланган ҳар бир килограмм маҳсулотга қўшимча бир-икки сўмдан ҳақ тўланса, хўжаликда асал топшириш миқдори кўпаяди. Шу тариқа бу йил асал етиштириш ҳажмини 43 тоннага, давлатга сотишни 22 тоннага етказиш мумкин. Агар бунга аҳолидан сотиб олинадиган маҳсулот қўшиладиган бўлса, умумий кўрсаткич 73 тоннадан ошиб кетади. Руҳиддин Қўчқоров, Петр Кериманов, Зоҳира Тошева сингари илғорлар йил бошиданоқ ҳар бир асалари онласидан режадаги 14 ўрнига 19—20 килограммдан маҳсулот топширишга сўз беришди. Эндиги вазифа улар тажрибасини оммалаштириб, жамоа мулкига айлантиришда қолган. Мақсад — аҳолини сифатли, шифобахш асал билан кўпроқ таъминлашдан иборат. Эртани ўйлаган ҳеч қачон ютқазмайди...

А. МАННОПОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ТАЪТИЛ ВАҚТИ УЧУН ҲАҚ ТЎЛАШ

СССР Меҳнат ва ижтимоий масалалар вазирлигида ТАСС мухбирига хабар қилишларича, эндиликда олий ва ўрта махсус ўқув юртларининг кечки ва сиртқи таълим шаклларида ўқиётган меҳнаткашларга кўрсатмали машғулотлар, лаборатория ишларини бажариш, синовдан ўтиш, жорий ва давлат имтиҳонларини топшириш, диплом лойиҳасини тайёрлаш ва ёқлаш даври учун берилади ган қўшимча таътилларга ҳақ тўлашдаги чеклашлар олиб ташланди.

Илгари ўқув таътили учун ҳақ тўлаш олий ўқув юртларининг талабалари учун ойига 100 сўм, техникумларнинг ўқувчилари учун ойига 80 сўм қилиб чеклаб қўйилган бўлса, эндиликда талабаларнинг ҳам, ўқувчиларнинг ҳам таътил олдидаги сўнгги 12 ой ҳисобидан ўртача ойлик иш ҳақи сақлаб қолинади.

Ўқув таътиллари учун ҳақ тўлашнинг янги тартиби ўрта ҳунар-техника билим юртларида таълимнинг кечки (сменали) шаклида ва кечки (сменали) бўлимларда шуғулланаётган кишилар учун ҳам қўлланилади. Уларнинг ҳам ўқув таътили вақти учун асосий иш жойидаги ўртача ойлик иш ҳақи сақлаб қолинади.

Р. АХМЕТОВ,
ТАСС мухбири.

Сайёрамиз нафаси

● АҚЛ-ИДРОККА ДАЎВАТ

● ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИ ВА СИЁСИЙ ТАРТИБИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ УЧУН

● МУАММОЛАР ҲАЛ ЭТИЛИШИ КЕРАК

АҲДЛАШУВ ДОИРАСИДА

● ВАШИНГТОН. СССР ташқи ишлар вазири Александр Бессмертних АҚШ Давлат котиби Жеймс Бейкер билан амалий учрашув ўтказиш учун Америка пойтахтига келди.

Бу ташриф СССР Президенти Михаил Горбачев билан АҚШ Президенти Жорж Буш ўртасидаги аҳдлашув доирасида ўтказилмоқда. Музокараларда стратегик ҳужум қуролларини чеклашга оид шартнома тузилишига халақит бериб турган муаммоларни ҳал қилишга асосий эътибор қаратилади.

Совет ташқи ишлар вазирига СССР мудофаа вазирининг биринчи ўринбосари — Қуролли Кучлар Бош штабининг бошлиғи Михаил Моисеев ва СССР ташқи ишлар вазирининг ўринбосари Алексей Обухов ҳамроҳлик қилмоқдалар

УЧРАШУВ АРАФАСИДА

● Дунёдаги етти етакчи мамлакат раҳбарларининг олий даражада Лондонда бўладиган учрашуви жаҳон иқтисодиёти ва дунё сиёсий тартибини ривожлантириш учун бениҳоя муҳим даврда ўтказилади, деди АҚШ Давлат котиби Жеймс Бейкер.

У мазкур воқеага бағишлаб Оқ уйда журналистлар билан ўтказган учрашувда гапириб, жумладан, бундай деди: «Биз Совет Иттифоқидаги иқтисодий ва сиёсий ислоҳотларни қўллаб-қувватлаш учун... қўйиладиган қадамларни муҳокама қиламиз. Хўш, бу ислоҳотларни қандай қилсак энг яхши тарзда қўллаб-қувватлаган бўламиз? Етти мамлакат олий раҳбарларининг Президент Горбачев билан мунозараларида шу масала диққат марказида бўлиши шубҳасиз».

ЎТ ОЧИШ ТЎХТАТИЛСИН

● БЕЛГРАД. Башарти Словения томони Брнони декларацияси шартларини дарҳол тўла-тўкис бажаришга киришмаса, авиация бўлинмалари исталган пайтда қурол ишлатиш тўғрисидаги буйруқни бажаришга тайёрдирлар.

Югославия халқ армияси ҳарбий-ҳаво кучлари ва осмон ҳужумидан мудофаа бешинчи корпуси қўмондонлигининг Словения Мудофаа вазирлиги номига юборган ва бу ерда ТАНЮГ ахборот бошқармаси тарқатган мактубида шундай дейилади. Ҳарбий самолётларга ва вертолётларга ўт очилган тақдирда, жумҳурият ҳудудий мудофаа бўлинмаларига зарба уриш ҳақида буйруқ берилиб, бу бўлинмалар бутунлай йўқ қилиб ташланади, дейилади мактубда. Словения Раёсати ЮСФР Раёсатига мурожаат этиб, армия томонидан ўт очишни тўхтатиш тўғрисидаги битимнинг ва Европа ҳамжамиятлари делегацияси билан жумҳуриятдаги вазиятни бартараф этиш юзасидан эришилган аҳдлашувларнинг бажарилишига қаратилган чора-тадбирларни кўришга чақирди. Мурожаатномада қайд этилишича, барча ҳарбий бўлинмалар ҳам ўзларининг доимий турадиган жойига қайтмаганлар ва уларни кучайтириш жараёни давом этмоқда.

КАСОД БЎЛГАН ИЧИМЛИК

● БЕРЛИН. Ариқларда сув ўрнига сут оқадиган эртаклардаги салтанатлардан фарқли равишда Германиянинг шарқий районларида чинакам пиво кўли ҳосил бўлди.

Бу кўлга бир миллион шишадан ортиқ чанқовбосди ичимлик ағдарилди, «Берлинер цайтунг» газетаси шу хабарни эълон қилди. Бунинг учун эски важ сабаб бўлган — пиво касодга учраган. Собиқ ГДРдаги машҳур «Берлинер вайсе» корхонаси васе маҳкама томонидан хусусий кишиларга сотиб юборилди. Янги хўжайинлар ўзларининг синалган пиволарига рақобат бўлмасин деб, гарчи ичимликнинг яроқлилик муддати ҳали тугамаган бўлса ҳам, «бегона» пиводан халос бўлишга қарор қилганлар.

(ТАСС, 11 июль).

• МАФКУРА ВА ҲАЁТ

ЖОНЛИ МУЛОҚОТ

● Илгари хабар берилганидек, Тошкентда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг қарорига биноан ташкил этилган «Учрашувлар» сиёсий клуби ўз ишини бошлаган эди. Клубнинг яқинда бўлиб ўтган биринчи йиғилиши партияга, унинг тарихи саҳифаларига бағишланганди. Шу йиғилишда қатнашганларнинг фикрига ва таҳririятга телефон орқали билдирилган фикрларга қараганда клубнинг иш бошлаши, унинг фаолияти одамларни қизиқтирмоқда. Шу муносабат билан рўзномамиз мухбири клубнинг раҳбари — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг котиби К. Ю. ЮСУПОВ билан учрашиб, бир неча саволга жавоб беришни илтимос қилди.

— Комил Юсупович, аввало муштарийларимизга «Учрашув»лар клубининг мақсад ва вазифалари, у кимларга мўлжаллангани тўғрисида гапириб берсангиз.

— Маълумки, жамиятимиз ўз тарихининг энг мураккаб даврларидан бирини бошидан кечирмоқда.

Давлат ҳокимиятининг тузилмалари, бошқаруви, ташкилий принципларигина кескин ўзгариб қолмай, балки бутун иқтисодий система, ижтимоий ҳаёт ўзгармоқда.

Сиёсий ва ижтимоий кескинлик кучаймоқда. Миллионлаб одамлар ўз аҳволларининг ёмонлашиб кетаётганидан норози бўлмоқдалар. КПССга, унинг сиёсати ва тарихига, В. И. Ленин ва унинг таълимотига ёпирилиб ҳужум қилаётган бузғунчи кучлар эса бундан фойдаланиб қолишга уринмоқдалар. Баъзи бир оммавий ахборот воситалари бизнинг ўтмишимиз ва ҳозирги ҳолатимизни бир томонлама, баъзан бузиб кўрсатиб, тутаб турган оловга мой сепмоқдалар, улар фақат салбий нарсалар тўғрисидагина ёзиб, кўпгина одамларда ҳозирда рўй бераётган нарсалар тўғрисида нотўғри тасаввур ҳосил қилмоқдалар. Буларнинг ҳаммаси фуқаролар онгини чалғитмоқда, қарама-қарши ахборотлар шиддатли оқимидан холисини, тўғрисини топиб олишга халақит бермоқда.

Шундай вазиятда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон Совет Социалистик Жумҳурияти раҳбарияти республиканинг чинакам сиёсий ва иқтисодий суверенитетига, социал адолатга, маънавий янгиланишга эришиш учун аниқ тадбирларни кўрмоқда. Булар тўғрисида матбуот аҳолини хабардор қилиб турибди, лекин бу ишни матбуот ўз имкониятлари ва ўзига хос хусусиятлари чегараларида бажармоқда. Бунда жонли мулоқот самараси, ишончли фикр алмашиш, юзма-юз мулоқот етишмайди. Бунга фақат одамлар билан бевосита учрашиш, мулоқотда бўлиш орқали эришиш мумкин.

Афсуски, сўнгги вақтларда раҳбарларимиз, лекторлар, тарғиботчиларнинг ишчилар, колхозчилар, зиёлилар вакиллари билан учрашувларида мунтазамлик йўқолди, баъзи жойларда бундай учрашувлар умуман ўтказилмай қўйган. Ваҳолонки, бунга эҳтиёж каттa. Одамларни энг муҳим воқеалар, сиёсий ечимлардан вақти-соатида хабардор қилиб туриш, уларнинг саволларига жавоб бериш, одамларни аниқ ишларга сафарбар этиш керак. Бу жуда муҳим ишдир, чунки халқнинг фаоллиги жамиятни янгилашдаги муваффақиятларнинг гаровидир.

Партия органлари аппарати анча қисқартирилган ҳозирги шароитда ҳар бир штатли ходимимиз, ҳар бир коммунист-раҳбар меҳнаткашлар орасида, улар истиқомат қиладиган жойларда олиб бориладиган мафкуравий, оммавий-сиёсий ишда фаол қатнашишлари зарур. Бунинг учун эса улардан доимо шуғуллана бориб, ўз ғоявий-сиёсий, маданий, илмий савияларини ошириш талаб этилади.

Шунинг учун биз энг аввало фаолларнинг воқеа-ҳодисалардан хабардорлигини оширишга ва улар орқали аҳоли кенг қатламлари хабардорлигини оширишга қарор қилдик. Юқори бўғин раҳбарларининг партия, совет, мафкуравий соҳа фаоллари билан, уларнинг эса ўз навбатида меҳнаткашлар билан мунтазам учрашиб туришлари, фикримча, нафақат одамларнинг бохабарлигини яхшилашга, балки умуман республикада бутун оммавий-сиёсий ишларни жонлантиришга кўмаклашади. «Учрашувлар» клубининг мақсад ва вазифалари ана шулардан иборат.

Унга кимлар аъзо бўлиши хусусида эса шуни айтиш мумкинки, унинг йиғилишларига республика партия, давлат органларининг, жамоат ташкилотларининг, Тошкент области ва шаҳари партия ташкилотларининг фаоллари, партия, уруш ва меҳнат фахрийлари, журналистлар таклиф қилинади. Клуб эшиги оддий коммунистлар учун ҳам очиқдир.

— Клубнинг шундай аталиши ҳам бежиз бўлмаса керак?

— Албатта, фаолларимизни воқеа-ҳодисалардан мунтазам хабардор қилиб туриш фикрига келганимиздан сўнг шу мақсадни амалга ошириш йўлларини қидира бошладик. Шундай хулосага келдик: Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Марказий назорат комиссияси, Президент Кенгаши, Ўзбекистон ССЖ Вазирлар Маҳкамаси аъзолари билан, фан, маданият ва санъат арбоблари, республиканинг ўзга кўринган жамоат арбоблари билан учрашувлар мақсадни амалга оширишнинг энг мақбул шакли бўлиши мумкин. Айни шундай учрашувлар вақтида янги танишувлар рўй беради, шахсий алоқалар ўрнатилади, ўтмишимиз ва ҳозирги кунларимизнинг долзарб муаммолари хусусида, Ўзбекистон иқтисодиёти ва маданиятини ривожлантиришнинг истиқболлари тўғрисида фойдали мулоқот рўй беради. Кўриниб турибдики, клубнинг номи унинг фаолияти асосий шакли билан боғлангандир.

Биринчи йиғилиш қатнашчилари кўриб чиқилаётган муаммо юзасидан учрашувда ҳозир бўлганларга ўз фикрларини фаол ифодалаш, минбарга чиқиш имкониятини беришни таклиф қилдилар. Биз буни қўллаб-қувватладик. Ҳақиқатан ҳам шундай қилинса, тингловчиларнинг билишга интилишлари фаоллашади, лектор, тарғиботчи сифатида уларнинг маҳорати ўсиб боради.

Клуб — бу республика раҳбарияти билан мунтазам учрашиб туришнинг ўзига хос шакли бўлиб, учрашувларда тингловчиларни қизиқтирган масалалар, баъзан эса йиғилишда қўйилган мавзуга бевосита алоқадор бўлмаган масалалар хусусида ҳам мутасадди ўртоқлардан тўғридан-тўғри жавоб олиш мумкин.

Бугунги ҳаётимиз мудом ўзгариб бормоқда, ҳеч ўзгармас бўлиб кўринган қоидалар ҳам ўзгариб кетмоқда. Бундай вазиятда одамларда, шу жумладан фаоллар орасида турли-туман саволлар туғилиши табиий.

— Клубнинг биринчи йиғилиши мавзуи Ўзбекистон Компартияси тарихи саҳифаларига тааллуқли эди. Шунга мувофиқ партия фахрийси, мамлакат ва республикадаги кўп воқеаларнинг жонли гувоҳи, таниқли жамоат арбоби Н. А. Муҳиддинов ва жумҳуриятнинг бир гуруҳ кўзга кўринган олимлари билан учрашув бўлди. Клуб фаолиятининг бундан буёнги мазмуни қандай бўлади?

— Клубнинг бир йилга мўлжалланган иш дастури тингловчиларимиз эътиборини тортадиган жуда қизиқ мавзуларга бойдир. Масалан, навбатдаги йиғилишда жумҳурият вице-президенти Ш. Р. Мирсаидов, Ўзбекистон ССЖ Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосарлари А. Р. Отажонов, Б. С. Ҳамидов, вазирлар Қ. А. Аҳмедов, Э. А. Муродов, С. А. Ҳўжаевалар билан учрашув бўлади. Улар янгиланган Иттифоқда Ўзбекистоннинг ўрни ва роли, жумҳуриятимизнинг сиёсий суверенитет ва иқтисодий мустақиллиққа эришиши муаммолари, аҳолини социал ҳимоялаш тўғриларида гапириб берадилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи котиби, СССР халқ депутати А. С. Ефимов ва бир қатор партия ходимлари билан бўладиган учрашув Ўзбекистон Компартиясининг янгиланиши, ҳозирги қийин шароитларда унинг кўп қиррали фаолияти масалаларига бағишланади.

Ҳозирги вақтда бозор муносабатлари муаммолари, Ўзбекистоннинг бозор муносабатларига ўтишининг хусусиятлари ҳаммани қизиқтирадиган масаладир. Клубимизда бўладиган учрашувда Ўзбекистон ССЖ Олий Кенгашининг Иқтисодий ислоҳот, бюджет сиёсати ва маҳаллий ўз-ўзини бошқариш қўмитасининг раиси вазифасини бажарувчи, халқ депутати Э. Н. Ҳўжаев, Ўзбекистон ССЖ Фанлар академияси вице-президенти академик И. И. Искандаров ва бир гуруҳ кўзга кўринган иқтисодчи олимлар ана шу ҳақда ва бошқа кўпгина масалалар хусусида гапириб берадилар.

Буюк ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоий таваллудининг 550 йиллигига бағишлаб учрашув ўтказиш ҳам режалаштирилган. Унда Ўзбекистон ССЖ Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосари Э. С. Самандаров, олимлар, адабиётшунослар, ёзувчи ва артистлар қатнашадилар.

Махсус учрашув Ўзбекистон ССЖнинг давлат тили тўғрисидаги Қонунини амалга ошириш муаммоларига бағишланади. Бунда Ўзбекистон ССЖ Президентининг маслаҳатчиси Б. А. Назаров ва таниқли тилшунос олимлар бу масалада эришилган муваффақиятлар ва камчиликлар, учраётган қийинчиликлар, муаммолар тўғрисида, жумҳуриятимизда истиқомат қилаётган барча миллат ва элатлар тилларини нормал ривожлантириш учун қилинаётган ишлар ҳақида гапириб беришади.

Инсонни тарбиялаш муаммолари, хотин-қизлар учун муносиб шарт-шароитлар яратиш, армиянинг халқ билан алоқаларини мустаҳкамлаш, ҳуқуқий давлатни барпо этиш ва бошқа кўп масалалар клуб йиғилишларида муҳокама қилинади. Биз клуб аъзоларининг хоҳишига кўра унинг дастурига, иш шаклига ўзгартишлар киритилиши, учрашувларга таклиф қилинаётганлар доираси кенгайтирилиши мумкин деб ўйлаймиз. Мақсад учрашувларни қизиқарли ва фойдали ўтишига эришишдир.

— «Учрашувлар» клуби ишида қатнашишнинг тартиби қандай?

— Клуб йиғилиши ойига бир марта ўтказилади. Таклифномалар Тошкент область ва шаҳар партия қўмиталари, шунингдек район партия қўмиталари орқали олдиндан юборилади. Клубга абонементлар билан кирилади.

— Охирги савол: клуб абонементи муқовасига «Марказий Комитет ва Тошкент область партия қўмитасининг ижтимоий-сиёсий маркази» деб ёзиб қўйилган...

«Учрашувлар» клуби айни шу янги партиявий-муассаса базасида фаолият кўрсатади. Марказий Комитет ва область партия қўмиталарининг сиёсий маориф ишлари ва кабинетлари яхши хизматини қайд этган ҳолда ижтимоий-сиёсий марказлар ҳозирда улар ўрнини эгаллади. Бу марказларнинг фаолияти фақат сиёсий ўқишни ташкил этиш билан чегараланмайди. Ўнинг фаолияти кўп қиррали ва хилма-хилдир. Марказлар турли-туман ахборот бериш, маданий ва сиёсий тадбирларни уюштиришдан тортиб, коммунистларни ғоявий-сиёсий тарбиялашда партия ташкилотларига услубий ёрдам беришгача бўлган масалалар билан шуғулланади. Кўриниб турибдики, «Учрашувлар» клубини ташкил этиш яқиндагина ўз фаолиятини бошлаган ижтимоий-сиёсий марказларнинг жонажон ишидир. Жумҳурият партия қўмиталарининг барча ижтимоий-сиёсий марказларида ана шундай клублар ташкил этиш мақсадга мувофиқ бўлур эди.

— Клубнинг хайрли фаолиятида унга муваффақиятлар тилаймиз.

— Раҳмат. Ўйлайманки, матбуот ҳам бундан буён клуб фаолиятини ўз эътиборидан четда қолдирмайди.

Қилич Усмонов ўзи бошқараётган автобус давлат мулки экани, йўловчиларга беғуқсон хизмат кўрсатиши лозимлигини жуда яхши билади. Шунинг учун у машинани вақтида созлаб, авайлаб ишлатади. Бахмал автомобиль паркида уни ҳамма ота изидан бораётган автомобилчи деб ҳурмат қилади, эъзозлайди. Дарҳақиқат Қ. Усмонов ўн йилдирки, ота касбини улуғлаб келяпти.

Суратда: Қилич Усмонов.

Сураткаш У. ҚУШВОҚОВ.

«МУҲОЛИФЛИККА ҚЎШИЛМОҚЧИ ЭМАСМИЗ»

(Давоми. Боши биринчи бетда).

вазифаларни ҳал қилиб бўлмайди. Миёна сиёсат тезарагида партия мустаҳкамланадиган қандайдир ўзак бўлиши лозим. Қолган ҳамма нарса — истиқболсиз, партиянинг парчаланиши ҳеч қандай яхшиликка олиб бормайди.

Яна бир нарса ҳақида тўхталмоқчиман. Келгусида кўпгина чинакам сиёсий кучларнинг тутган йўли бир-бирини истисно этмайди, ана ўшанда сиёсий блоклар тузишдек узоқ давом этадиган жараён бошланади, бу блоклар иштирокида социалистик коммунистлар қўшилган тақдирда ҳам, нима учун биз қарши чиқишимиз керак? Агар бу бошқа партия бўлса у ҳолда гап бутунлай бошқача бўлади. Бу соҳада одамлар ўз йўлларини аниқлаб олишлари керак: бу партияга қўшиладиларми ёки бошқа партияга кирадиларми — буни ўзлари аниқлай оладилар. Чунки у ҳолда бу партиянинг Дастури ва Низомномаси бизнинг дастуримиз ва Низомномамиздан жиддий фарқ қилади.

Ҳозир муҳолифлик — унинг ҳар қандай кўринишлари жамиятга катта зарар етказмоқда. Муҳолифлик жамиятнинг яшашига халақит бермоқда ва жуда жиддий, хавфли, қалтис жараёнларни келтириб чиқаришга қодир. Бундай қарама-қарши туриш фақат ижтимоий-сиёсий онг даражасида эмас, ҳатто маиший даражада ҳам намоён бўлмоқда, баъзан яқин кишилар, дўстлар, қариндошлар орасида пайдо бўлмоқда, бундай бўлмаслиги керак.

Марказий Комитет раҳбариятининг ниятлари тўғрисида гапирадиган бўлсак, биз янги ҳаракат билан ҳеч қандай муҳолифликка қўшилмоқчи эмасмиз. Жараён бундан буён қандай ривожланаркин, кўрамиз. Бошқа партия тузилган тақдирда унинг дастури ва ғоявий қоидаларига қараб бу партия билан ҳамкорлик қилиш, баъзи масалаларда баҳслашиш, баъзи жойларда эса рақобат қилиш мумкин бўлади. Буларнинг ҳаммаси меъёрий ишдир.

— Менинг назаримда бундан бир йил муқаддам, РСФСР Компартиясининг раҳбариятига етарли даражада обрўга эга бўлмаган, унча танилмаган сиёсатчилар бошчилик қила бошлаган пайтдаёқ коммунистлар РСФСРда Президент сайловида мағлубиятга учраган эдилар. Маҳаллий ҳокимият идораларига яқинда бўладиган сайлов кампанияси ва келажакни кўзлаб бундан қандайдир хулоса чиқарилянтими?

— Мен у ёки бу одамларга берилган баҳоларга мутлақо қўшилмоқчи эмасман, баҳони сайлаган одамлар бериши керак. Раҳбарлар муаммоси — умуман жуда жиддий муаммо. Айниқса, бизнинг давримизда ва бизнинг жамиятимизда жуда жиддий муаммо. Қандайдир усул билан одамларга танилиш, кўтарилиш мумкин, кейин одамлар тушуниб қолишади, шундан сўнг уларнинг ҳафсаласи пир бўлади.

Етакчилар етишиб чиқади. Бинобарин, бу муаммо фақат коммунистларда эмас. РСФСР Президенти сайловини эсга олиб ўтдингиз, аммо Б. Н. Ельцин бўлмаганда эди, ғайри коммунист сиёсатчилардан кимнинг бундай натижага эриша олишини айтиш жуда қийин бўларди.

Демак, етакчиларнинг етишмаслиги муаммоси ҳаммада мавжуд. Ақлли одамлар кўп. Лекин уларнинг ҳаммаси ҳам сиёсий, давлат, хўжалик фаолиятида ўзини кўрсата олмайди. Бунинг учун ақл-идроқдан ташқари у кўпгина бошқа фазилатларга эга бўлиши керак. Демак, уларни саралаш, ифодали қилиб айтганда, элакка солиб йириклари қолгунча элакдан ўтказиш керак. Аммо бунинг учун жуда узоқ вақт кетади. Бир неча етакчиларни аниқлаш учун жуда кўп одамлар сиёсий кураш, хўжалик ишлари, давлат фаолияти ва бошқа синовлардан ўтиши керак. СССР Олий Кенгашини олиб кўрайлик: у ерда қизғин давом этган икки йиллик иш мобайнида янги, ёш, жуда истеъдодли давлат арбоблари етишиб чиқди. Ҳамма эмас, депутатларнинг қандайдир бир қисми ўсиб-улғайди, албатта. Мана шунинг ўзи танловдир.

— «Коммунистик ташаббус ҳаракати» съездида КПСС дастурининг жуда консерватив руҳдаги муқобил лойиҳасини қабул қилишга урниниб кўрилди. Шу съездда «КПССнинг буржуа-либерал раҳбарияти партиядан ҳайдалсин» деган гаплар айтилди. Сиз бунга қандай қарайсиз?

— Агар бирор киши кимнидир ишдан олиб ташлаш керак, деб ҳисобласа, буни текшириб ўтиришга ҳожат йўқ, чунки бу унинг фикри. Аммо бундай фикрнинг сабаблари ҳақоратомуз бўлса, бу бошқа гап. Бунга мутлақо йўл қўйиб бўлмайди. Бундай ҳол ана шундай хуруж қилаётганларнинг кимлигини кўрсатади.

Мен эътиборни бошқа нарсага қаратмоқчиман. Одамларга ёрлиқ ёпиштириш одатига қаратмоқчиман. Бу ҳам сиз билан гаплашган тоқатсизликнинг кўринишларидан биридир. Мен КПСС раҳбарияти таркибига кирганлигим учун баъзилар мени «буржуа либерали» деб атайди. Бошқалари эса пих боғлаган консерватор, деб атайди. Хўш аслида мен ўзи кимман? Мен КПСС XXVIII съездининг Дастурий баёнотига амал қилаётган эканман, мендан қандай «буржуа либерали» чиқсин. Марказий Комитет Котибиятининг ҳарфи ва моҳияти жиҳатидан съезд қарорларидан фарқ қиладиган бирорта ҳужжатини топиб кўринг-чи. Топа олмайсиз. Бошқача гапираётган одамлар ё съезд материалларини ўқишмаган, ё Котибият ҳужжатларини билишмайди.

Ақл-идрок ва амалий ҳаракатларни биринчи ўринга қўяётган сиёсий марказ тутган йўлнинг мураккаблиги нимада? Бу сиёсий марказ хавфли оғишларни бартараф этишига, одамларни келишмовчилик бўлмаган муаммолар теварагида бирлаштиришга тўғри келади.

Г. ЗВЕРЕВ,
ТАСС мухбири.

• АХБОРОТ

БОЛАЛАР ҚУВОНЧИ

Ульянов районидаги «Партия XX съезди» давлат хўжалиги маъмурияти ҳиммати билан юз ўринли кашшофлар оромгоҳи қурилиб, фойдаланишга топширилди. Лагерь маданий-маиший жиҳатдан барча қулайликларга эга. Болалар серсоя дарахтзорларда, айвон ва хонадонларда ҳордиқ чиқарадилар.

Оромгоҳ ёзги таътилдан бўш пайтда давлат хўжалиги ишчилари учун профилакторий тарзида фаолият кўрсатади. Оромгоҳ давлат хўжалигининг собиқ директори Фотиҳ Мусин номи билан аталди.

М. КАРОМОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

УЙЧИ ГАЗ ЎЧОҚЛАРИ

Наманганга газ плиталари қўшни вилоят ва жумҳуриятлардан олиб келинарди. Эндиликда бу муаммо ижобий ҳал этилди.

Уйчи районидаги тажриба-синов заводи жамоаси ишлаб чиқараётган газ плиталарининг дастлабкиси фойдаланишга берилди. Маҳсулот ўзнинг бежирим, сифатли, муҳими, шарқона ошхонага мослиги билан фарқланади. Хайрли ишни амалга оширишда Фарғона газ аппаратлари ишлаб чиқариш корхонаси мутахассислари ёрдам бердилар. 30 нафардан зиёд ишчи ва инженер-техник Фарғонада тажриба ўрганиб қайтди.

Газ плиталари ишлаб чиқаришни кенг йўлга қўйиш кўзда тутилмоқда. Ҳозирча июль ойида 50 дона газ плитаси ишлаб чиқарилди. Кейинги ойларда эса бу кўрсаткични мингтага етказиш мумкин. Айни пайтда тажриба-синов заводини газ плиталари ишлаб чиқариш корхонасига айлантириш мўлжалланмоқда.

А. МАДАТОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

«БИЗ ШУ ЙЎЛДАН ҚАТЪИЙ БОРАВЕРАМИЗ»

(Давоми. Боши биринчи бетда).

Бошқача айтганда, республиканинг халқаро бозорга чиқиш олдидан тутган ўрни ўта яхши даражада бўлмаса ҳам, жадаллаштириш учун салмоқли заҳиралар бор.

Июнь ойидаги анжуманга назар ташлаб соф ташкилий жиҳатларни ҳам таъкидлаш мумкин. Ўзбекистон ССРнинг бутун тарихида бу ерда бундай тадбир ўтмаган эди. Тўғри, олдин ҳам ҳашаматли фестиваллар бўлган, меҳмонлар шарафига карнай ва сурнайлар чалинган, дастурхон таомларга тўлиб кетган. Лекин бу ҳашаматли «тадбирлар» оддий халқнинг елкасига оғир юк бўлиб тушарди. Ишбилармонлар анжумани эса моҳияти ва мазмуни жиҳатидан бошқача эди. Ташкилот комитети учрашувни қисқа муддатда тайёрлай олди. Пировард натижада Ўзбекистоннинг иқтисодий имкониятларини мустаҳкамлаши, халқаро майдонда унинг обрўсини ошириши лозим бўлган тиғиз ва қийин иш ижобий самара берди.

Ҳақиқатан ҳам бизнинг энди иш бошлаётган омилкорларимиз вужудга келаётган талабларни, мунтазам ўзгариб турадиган жаҳон нархларини яхши билмайдилар, буни республика Президенти бир эмас, бир неча бор таъкидлади. Бу ишни ўрганмоқ керак. Очиғини айтайлик: анжуманнинг иши бир неча кун давом этгандан сўнг республика Президенти хорижий фирмаларнинг вакиллари билан учрашди, бу учрашув кўпларни ҳайратга солди. И. А. Каримов рўйрост гапирди. У хушомад ҳам қилмай, ҳеч нарсани яширмай, меҳмонларга бундай деди: Тошкент учрашуви ҳақиқий натижа бериши керак, учрашув давомида ўзаро манфаатли битимларни имзолаш зарур. Айтинглар, сизларга нима тўсқинлик қиляпти, қандай ёрдам керак... Мана шу ошкоралик, компаниялар ва корпорациялар билан бевосита алоқа ўрнатиш истаги олдин етишмай турган омил бўлди.

Ана шундан сўнг ишбилармонлар Ўзбекистон раҳбари халқ фаровонлигини оширишдан ғоят манфаатдор инсон эканлигига ишонч ҳосил қилдилар. Ишончим комил: ана шу омил бўлмаганда эди, республика Президенти шу қадар очиқчасига гаплашмаганда эди, анжуман бу қадар катта натижа бермаган бўларди.

«Биз июнь учрашувидан нимани кутган бўлсак ҳаммасига эришдик, — деди И. А. Каримов. — Хорижий ишбилармонлар Ўзбекистонга чинакам қизиқиш билан қарадилар, кўпгина йўналишларда ўзаро манфаатли шартлар билан ҳамкорлик қилишга аҳд қилдилар. Лекин шуни ёдда тутиш керакки, ҳозирча дастлабки қадам қўйилди. Олдинда қизғин ишлар кутмоқда, бу ишлар тангликни бартараф этишда ёрдам бериши, халқ фаровонлигини ошириши, республиканинг иқтисодий аҳволини мустаҳкамлаши мумкин ва лозим».

Бўлиб ўтган ишбилармонлар анжуманининг моҳияти шу сўзларда тўла акс этган. Анжуман, бир томондан, хорижий ишбилармонларга Ўзбекистонни яхшироқ билиб олишда, унинг юксак салоҳияти имкониятларини ўрганишда, муносиб омилкор шерикларни топишда ёрдам берган бўлса, иккинчи томондан республика доираларида ишчанликни уйғотди, мутахассисларимизни қадриятларни қайта баҳолаш билан шуғулланишга мажбур қилди, уларнинг ғайратини қўзғатди.

Айтмоқчи, собиқ ватандошларимизнинг Тошкентга келиши ҳам бунга ёрдам берди. Бир вақтлар Ватанидан чиқиб кетган кишилар иқтисодиётимизга, Ўзбекистон халқига ёрдам бериш учун бу ерга келишди. Буйруқбозлик-бюрократик тизими пайтидан қолган анъанавий девор ўрнида улар ҳамкорлик қилишдан чинакам манфаатдорликка дуч келдилар. Бу сиёсий ва иқтисодий йўлдаги шунчаки ўзгариш эмас, энг муҳими — одамларнинг руҳияти ўзгармоқда.

Ишбилармонларнинг июнь анжуманидан аниқ-равшан натижаларни кутишга ҳали вақт эртадек туюлади. Лекин бундай эмас. «Узагротек» Совет — Австрия қўшма корхонаси ҳозирдаёқ устки кийим-бош ва зажигалка каби тақчил маҳсулотларни ишлаб чиқаришга тайёр турибди. Граждан авиацияси Ўзбекистон бошқармаси билан Американинг «Конкорд» компанияси ташкил этган фирма фаол ишга тайёргарлик кўрмоқда. Яқин орада ўзбекистонлик экипажлар бошқараётган самолётларимизда ғарблик сайёҳатчилар Тошкент, Бухоро, Самарқанд ва Хива шаҳарларига олиб келинадиган бўлади. Американликлар эса биринчи класс меҳмонхоналар қуришда, аэропортларни янгилашда ёрдам бериш мажбуриятини олдилар. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

«Тошкент ишбилармонлар учрашуви» тарихга айланиб қолди. Аммо айни шу учрашув янгиланган Иттифоқ доирасида мустақиллик йўлига ўтиб олган республиканинг таржиман ҳолида янги саҳифани очди.

Ҳақиқий мустақиллик — республиканинг иқтисодий жиҳатдан гуллаб-яшнаши ва республика халқининг бадавлат бўлишидир, — деди Ўзбекистон ССР Президенти И. А. Каримов. — Биз шу йўлдан қатъий боравермиз».

Тўғри, ҳозир ҳаётимиз жўн эмас. Сохта демократияга эмас, балки ҳақиқий демократияга, бахтли ҳаётга бориш учун жуда кўп тўсиқлардан ўтишга тўғри келади. Бу ҳам касалликка ўхшайди. Кўп нарса касалликнинг тўғри аниқланишига боғлиқ. Диагноз эса қўйилган. Олдимизда бир йўл турибди, бу — ижтимоий-иқтисодий соғломлашиш йўлидир.

(ЎзТАГ мухбири).

ДИҚҚАТ: ЯНГИЛИК

ИШОНЧЛИ ЎҚИТУВЧИЛАР

Абитуриент кириш имтиҳонини топшириш учун муаллим томон ошиқади. Ҳали чипта олмаёқ қўлидаги ишончномани узатади.

— Сиз Тошкент шаҳар Октябрь ноҳиясидаги 254-ўрта мактабнинг ўқитувчиси Йўлчи Абдуллаевдан сабоқ олганмисиз!

— Шундай.

— Баҳонингиз «аъло!».

Жумҳуриятимиз олий ва ўрта махсус ўқув юртларида бошланадиган кириш имтиҳонлари варақаси учун ишончли ўқитувчилар томонидан мактабда қўйилган баҳонинг ўзи кифоя. Яқинда жумҳурият Халқ таълими вазирлиги ўз ҳайъатида ишончли ўқитувчилар сафини янада кенгайтирди. Чилонзор ноҳиясидаги 173-мактаб математика ўқитувчиси Х. Аъзамхўжаева, Бектемир ноҳиясидаги 291-мактаб математика ўқитувчиси Ш. Баянова, Собир Раҳимов ноҳиясидаги 191-мактабнинг рус тили ва адабиёти ўқитувчиси С. Диновицер, Акмал Икромов ноҳиясидаги 109-мактабнинг жуғрофия ўқитувчиси А. Ҳасанов ва бошқалар ана шундай ишончга сазовор бўлдилар.

Ҳайъатда Тошкент шаҳрининг 12 нафар ва Наманган вилоятининг 5 нафар ўқитувчисининг ўрта мактабда қўйган йиллик баҳоси ўз соҳаси бўйича ҳар бир имтиҳон варақасига қўйилади. Бу янгилик абитуриентни ҳам, юксак ишончга сазовор бўлган ўқитувчини ҳам янада изланишга ундамоқда.

М. ПИРМАТОВ.

02 хабар қилади

РАШК ОҚИБАТИ

Когон шаҳрида вилоят Кенгашининг депутати Бозор Каримовни отиб ўлдиришди.

Когон шаҳри прокурори, адлия кичик маслаҳатчиси Саид Шодиев ЎзТАГ мухбирига қуйидагиларни гапириб берди:

— Шаҳар ва район газлаштириш бошқармасининг бошлиғи, вилоят Кенгашининг депутати Бозор Каримов тушлик қилиш учун уйига келган эди. Орадан бир оз вақт ўтгач, эшик қўнғироғи жиринглади. Каримов эшикни очди, унинг қаршисида қўшниси ва қўлида ишлайдиган Аҳмад Абдуллаев турарди. Аҳмад Бозор Каримовга ўз машинасини ҳеч юргиза олмаётганини айтиб, ундан ёрдам беришни илтимос қилди. Ҳеч нарсадан хабари йўқ депутат ҳовлига чиқди. Абдуллаев пайт пойлаб туриб ўз бошлиғи ва қўшнисига қарата уч марта ўқ узди. Каримов шу заҳотиёқ жон берди.

Ўқ отган киши яширинишга ҳаракат қилмади. У дарҳол ҳуқуқни муҳофаза қилиш идорасига йўл олди ва ўз қилмиши ҳақида гапириб берди, айни вақтда бу ишни қасддан қилганлигини яширмади. Абдуллаевнинг сўзларига қараганда, қўшниси унинг хотини билан дон олишиб юрибди деб ҳисоблаб, қасос олишни анчадан бери ўйлаб юрган экан...

Когон районлараро прокуратураси А. Абдуллаевга қарши Ўзбекистон ССР жиноят кодексининг 81-моддасига кўра жиноий иш қўзғатди.

И. САФАРОВ,
(ЎзТАГ мухбири).

• *Қишлоқ Кенгаши ва ҳаёт*

ҲАММАСИ ЎЗИМИЗГА БОҒЛИҚ

Қишлоқ Кенгашлари ҳокимиятнинг халққа энг яқин бўғини ҳисобланади. Одамларнинг кайфияти, ҳукумат олиб бораётган сиёсатга муносабати айнан ана шу идораларнинг қай даражада фаолият кўрсатаётганлиги билан белгиланади. Аммо биз йиллар давомида бу қондани кўриб кўрмасликка, билиб билмасликка олдик. Қишлоқ Кенгаши деганда қурилиш материаллари тарқатадиган, ёҳуд муҳрли ҳужжат берадиган маҳкамани тушундик. Халқдаги бу тушунча ўз-ўзидан пайдо бўлган эмас. Чунки, аввало юқори ташкилот раҳбарлари қишлоқ Кенгашлари билан ҳисоблашмаган ўзларига эп кўришмади.

Бугунга келиб Кенгашлар ўз ҳуқуқларига эга чиқсинлар деган ҳаракат бошланди. Очиғини айтсак, бу ишдан кўнглимиз тўлмаяпти. Чунки қишлоқ Кенгашлари фаолиятларини кучайтирмас эканмиз, кишилар онгидаги фикрни битта қарор билан ўзгартириб бўлмайди. Аммо бизга ҳеч ким ҳуқуқимизни олиб бермайди. Уни фидойилик, жонкуярлик, меҳнату заҳмат билан топамиз. Буни ўз фаолиятимиз давомида тажрибамиздан ўтказдик.

Ҳудудимизда 49 та қишлоқ бўлиб, уларда 29 минг 405 нафар киши истиқомат қилади. Биз ана шу кишиларнинг ҳар бири тақдири учун масъулмиз. Қишлоқ Кенгаши ҳудудидаги хўжаликлар, мактаблар раҳбарларидан ҳам ана шуни талаб қиламиз.

Қишлоқда оқсоқоллар нинг, обрўли раҳбарларнинг хатти-ҳаракати, гапи ҳалиям тош босади. Биз ана шу имкониятни қўлдан чиқармасликка интилдик. Аввалари хўжалик раҳбарлари, қишлоқ Кенгаши ижроия қўмитаси мажлисига хоҳласа келар, хоҳламаса келмас эди. Биз уларни ҳар битта анжуманимизда иштирок этишга мажбур қилдик. Тўғри, бошида бироз хафа бўлишди, аммо кейин аҳволни тушунишди.

Гап депутатларнинг сонида эмас, малакасида экан. Кейинги сайловда қишлоқ Кенгашига 100 ўрнига 60 нафар депутат сайланди. Бундан ташқари вилоят Кенгашида 3 нафар, район Кенгашида эса 16 нафар депутатимиз бор. Уларнинг кучи билан жуда кўплаб ижтимоий муаммоларга ечим топаяпмиз.

Маҳалла азалдан халқимизнинг тарбия ўчоғи саналган. Маҳалланг — отангонанг деган нақл шундан пайдо бўлган. Хуллас, кейинги 5 йил ичида 22 та маҳалла ташкил этдик. Ҳашар йўли билан қариб барчасига идора қуриб бердик. Маҳалла фаоллари бу турар жойларда жуда катта ишларни амалга оширишди. Аммо маҳалла комитетлари раислари учун шаҳар жойларда маош белгилангану қишлоқда ундай эмас. Менимча, бу масалани ўйлаб кўриш керак.

Депутатларимиз фидойилиги туфайли Хўжақишлоқ, Толлисой, Қорабек, Диринг қишлоқларида бичиш-тикиш цехлари очдик. Чунки бундай ўйлаб қарасак, ҳудудимизда яшовчи кишиларнинг 11 минг 830 нафари ишга яроқли бўлиб, уларнинг 1338 нафари ижтимоий меҳнатга жалб этилмаган. Шу боисдан халқ ҳунармандчилигини кенг ривожлантиряпмиз.

Ҳозирнинг ўзидаёқ ноҳия тайёрлов идораси пунктлари иш бошлади. Шу ўринда жонкуяр депутатларимиздан Ҳикмат Ҳайитов, Баҳри Эргашев, Эрка Искандарова, Жўрақул Нормуродов, Бахтижон Естиместова, Тиркаш Эргашев, Борик Багиров, Расул Шодиев, Эгамберди Мустафоқуловлар номини айтиб ўтишим керак. Улар ҳар бир масалада кишилар фаоллигини таъминлай олишади, халқни ўз ортларидан эргаштиришади.

Менимча, қишлоқ Кенгашлари ташкилий тузилишини қайта қуриш зарур. Бу ислоҳотни қанчалик тез амалга оширсак, шунчалик яхши бўлади. Бунинг учун менда асос бор.

Катта-кичиклигидан, ҳудудидаги аҳолининг камқўплигидан қатъи назар қишлоқ Кенгаши ижрокомларининг раислари бир хил маош олишади.

Ноҳиядаги энг кичик ташкилотлар, ҳатто «Союзпечать» идорасида ҳам фаррош бор, лекин бизга бундай имконият берилмаган. Қишлоқ Кенгашларига қарор бўлса ҳам хизмат машинаси берилмаяпти. Бир амаллаб эски машина топамиз, аммо унинг на ёнилғисига, на ҳайдовчисига лимит бор. Тиббий пунктлар масаласида ҳам аҳвол шундай. Уларга ҳар кварталда дори-дармонлар учун 30 сўмдан пул ажратилади. Ҳозирги шароитда бу пул биринчи ёрдам кўрсатишга ҳам етмайди. Бу нормативларни янгилаш ҳеч кимнинг хаёлига келмаяпти.

Яна бир гап. Ёнимизда 2 гектарлик боғ барпо этганмиз. Аммо унга боғбон белгилашга маблағимиз йўқ. Пул топсак қонунга тўғри келмайди, ахир бу боғдан катта даромад олиш, мева-чевасини болалар боғчаларига топшириш мумкин-ку.

Хуллас, қишлоқ Кенгаши одамлар билан ишлаш учун жуда катта имкониятларга эга. Унинг обрўсини ошириш эса фақат ўзимизга боғлиқ.

И. ФАЙЗИЕВ,
Каттақўрғон ноҳиясидаги Саройқўрғон қишлоқ Кенгаши ижроия қўмитасининг раиси.

ФАРОВОНЛИК ЙЎЛИДАГИ ҲАМКОРЛИК

Наманган вилоятининг корхоналари ҳамда хўжаликлари соғлиқни сақлаш идораларига ёрдам бериш учун отландилар. Улар касалхоналар ва поликлиникалар қурилиши ҳамда ремонт қилиниши учун, шунингдек даволаш муассасаларига тиббиёт ускуналарини сотиб олиш учун бир ярим миллион сўмдан кўпроқ пул бердилар.

Чунончи, «1-Агропромстрой» трести Чортоқ районида улушбай асосида бальнеология шифохонаси қурилишига 400 минг сўм пул берди. Чортоқ пахта заводи 20 минг сўмлик хорижий валюта ҳисобидан бир марта фойдаланиладиган шприцлар сотиб олиб, район касалхонасига берди. Пахта тозаловчилар бундан ташқари ультратовушли диагностика ускунасини сотиб олишга кетадиган харажатларни ҳам ўз зиммаларига олдилар.

Наманган машинасозлик заводининг жамоаси ҳам шифокорларга ёрдам беришдан четда қолмади. Корхона ўз ҳисобидан бир қанча поликлиника, шифохона ходимлари меҳнатига ҳақ тўламоқда, тиббий ускуналар ва дори-дармонлар сотиб олмоқда. Бунга сарфланаётган маблағнинг умумий миқдори ярим миллион сўмдан ошиб кетди.

(ЎзТАГ мухбири).

ОРОЛГА ЁРДАМ

Испания телевидениеси суратга олиш гуруҳидаги журналистлар Қорақалпоғистон даволаш муассасаларига турли хилдаги жуда тақчил дори-дармонларни бердилар, — деб хабар қилади ЎзТАГ мухбири. Жумҳурият касаба уюшмаларининг таклифига биноан юртимизга келган бу ижодкорлар Амударё қуйи оқимида ва Орол денгизи соҳилларини кинога олиш билан шуғулланмоқдалар.

Испания миллий телевидениеси ходимлари ўз ҳамкасбларига минтақадаги ноқулай экология ва санитария-эпидемиология ҳолати ҳақидагина ҳикоя қилиб қолмай, айни вақтда қуриб бораётган денгизни қутқаришдек савобли ишга қўлларидан келганча ҳисса қўшиш ниятидадирлар.

• Деҳқончилик саноати: бозор иқтисодиёти йўлида

ТЎКИЛГАН МЕВАДАН МЎМАЙ ДАРОМАД

Иқтисодий танглик ҳукм сураётган ҳозирги пайтда етиштирилган ҳосилни асраб қолиш, қуритиш ва қайта ишлаш муаммоларига асло бефарқ қараб бўлмайди.

Боғбонлар, шу соҳада ишлаётган мутахассисларнинг тан олишларича тўкилган ва ностандарт олмалар баъзи ҳолларда бемаъни исроф этилар, яъни молларга бериб юборилар ёки чириб кетарди. Сабаби — уларни териб олиб, савдо шохобчаларига олиб боришдан фойда йўқ — қимматга тушиб кетарди. Бир килограмм тўкилган ёки ностандарт олмага ўрта ҳисобда беш—етти тийиндан харид нархи белгиланганда сўнг ким ҳам ундан фойда кўра оларди. Сирдарё вилояти бўйича эса ўрта ҳисобда умумий боғлар ҳосилининг ўрта ҳисобда йигирма-ўттиз фоизи ана шу тарзда исроф бўлаётгани маълум.

Шуларни ҳисобга олиб, бундан ўн йилча муқаддам Ховос районидаги Мичурин номли узумчилик ва боғдорчилик давлат хўжалиги базасида мева қуритиш цехи ташкил этилган эди. Ўтган йиллар мобайнида бу кичик корхона вилоят ҳаёти, иқтисодиёти учун нақадар зарур экани, унинг ўз ўрни борлиги маълум бўлди. Цех вилоятдаги ҳамда қўшни Жиззах вилояти, Тожикистон жумҳуриятининг қатор районлари билан иқтисодий алоқалар боғлади. Дастлаб Наманган вилоятидаги Тўрақўрғон мева қуритиш заводининг бу ердаги филиали сифатида иш бошлаган цех ўтган йиллар давомида оёққа турди. Мирзачўл воҳасида мева қуритиш бўйича бой ва қимматли тажрибалар тўпланди ва малакали кадрлар етишиб чиқди. Шу йилнинг бошидан мазкур цех мустақил корхона — мева қуритиш заводига айлантирилди.

— Корхонамиз ишчи ва хизматчилари олдида катта имкониятлар очилди, — дейди директор Бегимқул Бердиёров. — Биз бу имкониятлардан оқилона фойдаланиш, фаолиятимиз доирасини имкон борича кенгайтириш, маҳсулот сифатини яхшилаш, олинажак даромадимиз салмоғини ошириш йўлида барча имкониятларни ишга соламиз. Модомики, бозор иқтисодиётига ўтилса, буларсиз рақобатга дош бериш қийин бўлади.

Сўнгги йиллардаги ўзгаришлар мазкур корхона ҳаётига ҳам жиддий таъсир эта бошлади. Ўтган йили жами 1100 тонна ҳўл мева қабул қилиб олинди. Шундан 154 тоннадан зиёд олма қоқиси тайёрланди. Истеъмолчиларга ана шу маҳсулотни 300 минг сўмга пуллашга муваффақ бўлишди. Шундан 190 минг сўм ҳўл мева сотиб олишга сарфланган бўлса, бошқа харажатлардан ташқари 64 минг сўм атрофида фойда кўрилди. Натижада цехни корхонага айлантириш учун реал шароит пайдо бўлди.

Ҳозир янги заводнинг юз минг сўмдан ортиқ пули бор. Вилоят мева-сабзавот бирлашмаси эллик минг сўм маблағни янги корхонага ёрдам тариқасида ажратди. Йил охиригача ўз буюртмачиларидан келиб тушадиган маблағлар ҳам талайгина бўлиши кутилмоқда. Ана шу қарздор ташкилотлар ўз қарзларини узганларидан сўнг янги коллективнинг маблағи 200 минг сўмдан ошиб кетиши керак. Бу эса янаги йилда хўжалик ҳисобида ишлаётган мева қуритувчиларнинг давлат ёки бошқа ташкилотларга боқиманда бўлмасдан, ўзининг молиявий аҳволини яхши йўлга қўйиб олишига ёрдам беради.

Мавсумга ҳар томонлама пухта тайёргарлик кўрилди. Уч гектарли олма қуритиладиган жой сифатли қилиб созлаб қўйилган. Тегишли машина ва механизмлар қўлдан чиқарилмоқда. Яна бир янгилик — илгари цех бўлган вақтларда одамлар ёз ойларида ишга уч ой муҳлат билан қабул қилинар эдилар, энди йил бўйи меваларни қуритиш, тайёрлаш ва буюртмачиларга жўнатиш бўйича иш олиб борилади. Бу эса маҳаллий Белоруссия жумҳуриятларининг қатор саноат шаҳарларидаги тегишли корхона ва идоралар билан ҳозирданоқ аниқ битимлар тузди ва тузаётир. Буларнинг бари мева қуритиш заводи ишини режали, бир меъёрда олиб бориш имконини беради.

Истеъмолчилар ҳозирча бир килограмм олма қоқини уч ярим сўмданга харид қилиб олишаётир. Агар маҳсулот таркиби бойитилса, унинг қиймати янада ортиши мумкин. Шуни ҳисобга олиб, эндиликда корхона ишчи ва хизматчилари фақат олма қоқи эмас, балки харидорларга сотиладиган маҳсулот таркибини олҳўри, қароли, майиз, шафтоли, ўрик қоқилари билан ҳам бойитиш чораларини кўрмоқдалар. Шунда бир килограмм компот нархи 6—7 сўмданга чиқиши, корхона даромади эса янада ортиши мумкин.

Янги корхонадагиларнинг эзгу истакларидан яна бири — вилоятдаги қатор касалхоналар, болалар боғчалари, мактабларга арзон нархда ўз маҳсулотларидан етказиб бериб туришдир. Районнинг икки жойида, яъни вилоят маркази Гулистонда, нурчилар маскани Ширин шаҳрида ўзларининг тижорат дўконларини очишмоқчи. Хуллас, бу каби хайрли орзу-истаклар талайгина.

Мева қуритувчилар ишини бор қиладиган ҳам, йўқ қиладиган ҳам бир нарса борки, бу — маҳсулот сифатидир. Биз корхонага борган куни ўтган йилги ҳосилнинг сўнгги килограммларини москвалик истеъмолчиларга жўнатишга тайёргарлик кўришаётган экан.

— Бу аввало астойдил меҳнатимиз шарофати, — дея изоҳ берди Бегимқул ака. — Ҳақиқатан ҳам мутахассисларнинг таъкидлашича, аввало корхона, унинг хирмони чанг-тўзонлардан йироқ, мусаффо ҳавога эга бўлган ерга жойлашган. Бунинг устига олма қуритувчилар ўз ишларининг усталари бўлиб кетишган. Шунинг учун ҳам уларнинг дўстлари, истеъмолчилари кўпайгандан кўпаймоқда. Шу пайтга қадар улар эътироз эмас, балки фақат раҳмат эшитмоқдалар.

Мазкур ютуқларга катта ҳисса қўшаётган илғорлар бор. Тажрибали ишчи Соип Жониқулов цех ташкил топгандан бери шу ерда ишлаб келаётир. Сафаргул Бошқулова, Султон Мирзаев, Карим Алимов, Тиркаш Абдуқодировларнинг корхона шарафини оширишдаги меҳнатлари катта.

Қўриқ воҳа дала ва қишлоқлари, шаҳар ва қўрғонлари жуда боғ-роғларга муҳтож. Кейинги даврдаги кўп йиллик эътиборсизлардан сўнг яна боғлар ва токзорларга одамлар меҳри уйғонмоқда. Шунинг учун ҳам фақат шу йилнинг ўзидаёқ вилоят бўйича 500 гектар янги боғлар барпо этилди. Боғлар, узумзорларни кенгайтириш, улар ҳосилдорлигини ошириш вилоят партия қўмитасининг доимий назоратида турибди. Жумҳуриятимиз Президентининг Фармонига асосан мева-сабзавот тармоғи мустақил вазирликка айлантирилгани бошқа жойлардаги каби Сирдарё вилояти боғбону соҳибкорлари, барча меҳнаткашлари томонидан ғоят катта мамнуният билан қарши олинди. Сўзсиз, бу тадбир халқимизнинг азалий касбларидан бири бўлган боғбонлик ва соҳибкорликнинг янада равнақ топишига, мева-чеванинг кўпайишига катта замин яратади.

Лекин боғ-роғларни кўпайтириш билан бирга уларда етиштирилаётган узум, мева маҳсулотларини асраб қолиш, истеъмолчиларга етказиш йўлида ҳам катта ишлар қилиниши лозим. Бир сўз билан айтганда, етиштириш билан бирга сақлашни, ундан даромад ола билишни ҳам ўрганишимиз керак. Сирдарё вилоятининг Ховос районида ташкил топган, ҳозирча қўриқ воҳада ягона бўлган «Ширин» хўжалик ҳисобидаги корхонасида олиб борилаётган ишлардан ибрат олса арзийди.

А. УМАРОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ХУШХАБАРЛАР

ДЎСТЛИК ИПЛАРИ

Жиззах вилояти мактаб ўқувчиларининг 5 тонна қуруқ мева тўплаб, Чернобиль ҳудудида соғлиғини йўқотган тенгдошларига юборганликлари ҳақида илгари хабар қилгандик.

Яқинда Совет тинчлик жамғармасининг вилоят бўлимига Белоруссиядан хушхабар келди. Маълум бўлишича, совға-саломни белоруссиялик ўқувчиларга топшириш маросими ҳақиқий байрамга айланган. Жумладан, Фориш районидаги М. Горький ва Крупская номли мактабларнинг ўқувчилари совғаларини олган белоруссиялик болалар Ў. Балхиев, У. Қаршибоев, С. Тўйчиева, Ҳ. Завқиева, К. Тўйчиева каби тенгдошлари билан дўстлашиш, алоқа боғлаш истагини билдирганлар. Белоруссияда чиқадиган «Вестник мира» хабарномаси эса Совет тинчлик жамғармаси Белоруссия бўлимининг шу муносабат билан жумҳуриятимиз Президенти номига йўллаган телеграммаси матнини эълон қилган.

«ОИЛА ВА БОЛАЛАР»

Вилоят бирлашган кутубхонасида «Оила ва болалар» бўлимининг ташкил этилиши бу ерга келувчиларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

Бўлимда ҳозирча 10 мингга яқин адабий асар, турли қўлланмалар мавжуд. Бу ерда оналар ахлоқий, тарихий ва замонавий мавзудаги адабиётлар билан машғул бўлишса, ёшлар қизиқарли ҳикоялар, жаҳон халқлари эртакларини мутолаа қилишлари мумкин. Бўлимнинг М. Абилова бошлиқ ходимлари бўлғуси келинкуёвларга, ёш оилаларга оила қуриш, уни мустаҳкамлаш мавзуида қизиқарли тадбирлар уюштириш режаларини тузишган.

ҲОСИЛ ТАШВИШИДА

Ўзбекистон Компартияси Марказқўмининг қишлоқ хўжалик ходимларига ҳар томонлама амалий ёрдам уюштириш комиссияси вилоят хўжаликларидаги аҳвол билан яқиндан танишди.

Октябрь районидаги С. Раҳимов номли давлат хўжалигида ўтказилган якуний йиғилишда жумҳурият қишлоқ хўжалиги вазири М. Исломов экин-тикиннинг ҳозирги ҳолати ва мураккаб обҳаво шароитида уларни сифатли парваришлаш омиллари тўғрисида гапирди. Таниқли олим С. Алимуҳамедов эса ғўзани турли касалликлардан ҳамда зараркунандалардан сақлаш йўллари ҳақида қимматли тавсиялар берди.

Б. САТТОРОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

Наманган вилоят Норин районидаги Калинин номли жамоа хўжалигида ёрдамчи хўжаликлар ва кичик корхоналар тармоғи кенгайиб бормоқда. Ҳозир кичик корхона, цех ва ёрдамчи хўжаликлар сони 14 тага етди. Кейинги пайтда фаолият кўрсата бошлаган атлас цехи бир йилда 200 минг сўм соф фойда олди.

Суратда: атлас тўқиш цех моҳир ишчиси Каримахон Холдорова. У қисқа фурсатда атлас тўқиш касбини ўзлаштириб олди ва бугунги кунда дугоналарига намуна кўрсатиб ишлаяпти.

Т. ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

• *Ёрдамчи хўжалик—кони фойда*

ИШЧИЛАР ЧОРБОҒИ

Ўзбекистон газ саноати корхоналари қурилиши трести ишининг Бухородаги «Зарафшон» ёрдамчи хўжалиги иш тажрибасидан

- **Бир колхоз ерича экин майдони мўъжизалари.**
- **Газчи-қурувчиларнинг даласи-ю чорвачилик фермаси.**
- **Катта рўзғорга баҳоли қудрат мадад.**
- **Мустақил балансга ўтказиш шарофати.**

Республика газ саноати корхоналари қурилиши трести («Ўзбекгазпром») — катта рўзғор. Унинг жамоасида икки минг киши ишлайди. Бундай катта рўзғорнинг ўз эҳтиёжлари бор, албатта. Шундай эҳтиёжни қондириш йўлида нари ўйлаб-бери ўйлаб бир қарорга келинди: трест ҳузурида унинг меҳнат жамоаси тирикчилигини яхшилашга хизмат кўрсатадиган ёрдамчи хўжалик ташкил этилди.

Дастлабки қарорнинг амал қилиш қийин кечди. Бир қатор тўсиқлар бартараф этилди. Пешку ва Бухоро районларида жамоадавлат хўжаликлари ерларидан 1303 гектар — бир колхоз ерича майдон «Зарафшон» ёрдамчи хўжалигига ажратиб берилди.

Ҳар ерларки, уни ишга солгунча озмунча ҳаракат қилинмади: парча-пурча, ташландиқ, экилавериб заранглашган, бир қисмини шўр босган майдонларнинг тупроғини унумдор қилиш осон кечмади. Мелиоратив тадбирлар ўтказилди — шўри ювилди, текисланди. Бу ишларга трест капитал қурилиш фондидан 430 минг сўм сарф қилди.

Барча ер ташландиқ майдонлардан иборат эди, дейиш инсофдан бўлмас. 45 гектар узумзор ва боғ-роғ бор бўлиб, полиз майдонлари, тутзорлар ҳам талайгина эди. Илк бор қилинган нақд тадбир Пешку районида рўёбга чиқди — эски молхоналардан бири қайтадан созланди. Дарҳол 100 та «Қозоқи оқбош» новвос ва 50 та «Қизил дашт» зотли бузоқлар келтирилди. Шу молхона ёнбошида 400 қорамол боқиладиган чорвачилик мажмуи зудлик билан қад ростлай бошлади.

Эски молхонада эса 87 бош сигир, 49 бош ғунажин, 5 та зотдор новвос етилиб боқиларди. Шу бинодан сал нарида 1085 қўй, 745 совлиқ, 239 қўзи ва 101 бош қўчқор яйраб ўтлаб юрибди.

Ҳозирча байрамолди кунлари 2—3 килограммдан гўшт тарқатиш одат тусига кирди. Умуман трестнинг ҳар бир ходими кейинги бир йилда ўртача 14 килограммдан гўшт олди.

Тўғри, бу — унча салмоқли рақам эмас. Ёрдамчи хўжалик фаолиятини таҳлил этганда, умуман 27,8 тонна гўшт етиштирилганини ҳам алоҳида назарга олиш керак. Лекин ёрдамчи хўжаликнинг илк қадами — ҳаракатга яраша эришилган дастлабки баракат экани билан диққатга сазовор.

Чорвачиликдаги дастлабки қадамлар ҳақида гап кетганда, яна бошқа рақамларни ҳам эсламаслик мумкин эмас. Масалан, 1990 йилда кўрилган самара қуйидагича бўлди: 8 бош соғин сигирдан 12 тонна сут, қўйлардан 1,3 тонна жун, 50 дона қимматбаҳо қоракўл тери ҳам олинди. Бир сўз билан айтганда, бугунги кунда ёрдамчи хўжаликда чорва озуқа базасини мустаҳкамлаш йўли билан сут, гўшт, жун, қоракўл тери етиштириш ҳажмини оширишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, чорвачиликни фойда келтирадиган тармоққа айлантириш мақсадида қатор чора-тадбирлар амалга оширилянти. Бугунги кунда колбаса маҳсулотлари тайёрлаб чиқарадиган кўчма цех ишга тушиш арафасида. У ҳар сменада 50 килограмм колбаса ишлаб чиқарадиган бўлади. Ҳисоблаб чиқилди: цех барпо этишга қилинган сарф-харажатлар икки йил мобайнида қопланади.

Деҳқончилигу чорвачиликка ҳам сув зарур. Шу ҳақда кўп мулоҳаза юритилди. Ҳисобдонлар бунинг ҳам йўлини топишди. Чўлариқ сувидан фойдаланиладиган бўлди. Бунинг учун 4 километр масофада бетон ариқ барпо этилди. Бугунги кунда ёрдамчи хўжалик далаларига секунд сайин 0,8 куб метр об-ҳаёт келиб турибди.

Бу — хўжалик эҳтиёжига етарли сув, дейишмоқда мутахассислар. Қиёслаш — энг одил хулоса беради. Мулоҳаза қилиб кўрайлик: олдинги йили — дастлаб деҳқончилик қилинганда зовур сувларидан фойдаланилди. 336 гектар майдонда 161 тонна арпа-буғдой, 70 тонна лавлаги, 515 тонна силосбоп маккажўхори, 32 тонна кўкпоя етиштирилди. 258 килограмм сабзавот, 75 тонна қовун-тарвуз йиғиштириб олинганди. Сув таъминоти яхшиланиши муносабати билан бу йил олинадиган ҳосил яна ҳам кўпайиши кутилмоқда.

«Зарафшон» — Бухоро вилоятидаги ёрдамчи хўжаликлар орасида юқори ҳосилли, самарадорлиги ортиб бораётган хўжалик саналади. Трест маъмурияти хўжаликни тобора ривожлантириб бориш учун маблағ аямаяпти. Бу йил учун 3 миллион сўм ажратилгани шундан далолат бериб турибди.

Хўш, ана шу маблағ нималарга сарф этилади? Экин майдонлари 550 гектардан ҳам ортади. Маблағнинг асосий қисми чорвачилик мажмуи ва уй-жой қурилишига ишлатилади. Мажмуа замонавий талаблар даражасида барпо этилиб, унинг таркибида 200 мол боқиладиган сигирхона, молларни яйратиш майдончаси, сут блоки, бузоқхона, ветеринария лабораторияси ҳам бўлади. Янгидан 36 та коттеж уйлар тикланади.

— Хуллас, режаларимиз умидбахш, — дейди трест бош бухгалтери В. Беляева. — Ишда аниқликни таъмин этиш мақсадида 1991 йилдан ёрдамчи хўжаликни мустақил балансга ўтказдик. Маҳсулот сотиш ҳажми 413 минг сўмликдан ортиқроқ бўлади, деб чамаланяпти. Асал, қовун-тарвуз, узум, олма-ўрик, пиёз етиштириш ҳам даромад келтиради. Чорваси бор ишчи-хизматчиларга арпа-буғдой, кўкпоя сингари чорва озуқаси маҳсулотлари ҳам сотилади.

Трест бошқарувчиси Қурбон Бақоевнинг мулоҳазалари ҳам эътиборли. Агар ўйлаб иш қилинса, масалага манфаатдорлик билан ёндашилса, бозор иқтисодиёти шароитидаги қийинчиликларни нисбатан енгилроқ кечириш мумкин. Шу сабабли ёрдамчи хўжалик тараққиётига катта умид боғлаяпмиз.

Ишчилар чорбоғи — чорвачилиги, деҳқончилиги, асал-аричилиги-ю, мевачилиги истиқболи ҳақидаги бу мулоҳазалар кўнгилни кўтаради, албатта. Бироқ бундай ёрдамчи хўжаликлар республикадаги ҳар бир тармоқ корхоналарида бўлса қанийди...

Ж. ХОЛҚОДИРОВ,
Л. БОТИРОВ.



КИТОБДА ҲИКМАТ КЎП

Бир оқсоқолнинг айтишича қараганда, урушдан кейинги йиллари отаси дўппи олгин, деб пул берганида дўппини ўрнига у Навоийнинг «Ҳамса»сини харид қилган экан...

Урганчлик Абдулла ота Исмонлов ҳам жуда кўп нарсаларнинг баҳридан ўтиб, китоб харид қилганлигига шубҳа йўқ. У камтарона ҳаёт кечиради. Аммо, маҳаллагўй, қариндош-уруғ, ёшу-қари барчаси уни ҳурмат қиладн. Айрим кишилар ноёб-ноёб китобларни харид қиладн-ю, уларни ўқишга «қўли» тегмайди. Абдулла ота эса ундайлар сирасидан эмас. Мана ярим асрдирки, китоб йиғиш ва мутолаа қилиш билан машғул. Ҳозир шахсий кутубхонасидаги китоблар сони беш мингдан ортиб кетди. Абдулла ота 75 ёшга кирди, ҳам эски, ҳам янги ёзувни бемалол ўқий олади.

Абдулла отанинг уйини кўпчилик кутубхонага қиёс қилишади. Негаки, бирор китоб зарур бўлиб қолса отага мурожаат қилишади.

Узбекистон ахборот агентлиги суратчаси мухбири Қ. Отаев олган суратда Абдулла ота Исмонлов дўкондан китоб харид қилаётган пайт акс эттирилган.

Д. МУРОДОВ.

*

Олийгоҳда навоийхонлик кечалари

*

Буюк ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоий таваллудининг 550 йиллиги Ҳамза номидаги Наманган педагогика олийгоҳида кенг нишонланмоқда. Ўқитувчи ва олимлар вилоятдаги қатор хўжаликлар, корхоналар ва ташкилотларда, кенг аҳоли ўртасида буюк шоир ҳаёти ва ижодий фаолияти тўғрисида лекция ва суҳбатлар ўтказмоқдалар. Илмгоҳда эса илмий-назарий конференциялар, китоб кўргазмалари ўтказилаётир. Бу борада илмгоҳнинг ўзбек адабиёти, ўзбек тилшунослиги кафедраларининг ўқитувчилари айниқса фаоллик кўрсатишяпти.

Суратда: ўзбек адабиёти кафедраси мудири, филология фанлари номзоди, доцент Салоҳиддин Жамолов навоийхонлар даврасида.

Т. ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

БУЮК ИНСОНИЙ ДАРД

Бир ғазал сеҳри ва шарҳи

Навоийнинг «Хазоинул-маоний» аталмиш улкан ғазалиёт дунёси инсон руҳининг нозик жилваларини, хаёл ва тафаккурнинг сеҳрли қудратини ифода этувчи дурдоналар билан лиммо-лим. Уларнинг айримларини номма-ном санашнинг ўзиёқ кўз ўнгингизда инсон кайфияти ҳамда ҳолатининг минг хил қирраларини намоён қилади. Бу сўнгсиз уммондан ҳар ким ўз билими, иқтидори даражасида баҳраманд бўлаверади. Шоҳу гадо, ёшу кеса, аёлу эр, олиму шоир, деҳқону косиб — жамики элга унинг саховат дарвозалари кенг очиқ. Маънавий камолот чўққиси бўлмиш доно фикрлар, ғўзал талқинлар, ҳайрат мўъжизалари бу улкан хазина самосида юлдузлардай жимирлаб ётибди. Барча замон кишилари, барча авлодлар Ҳазрат яратган мангулик неъматларидан ўз маънавий эҳтиёжига яраша лаззат, маъно олаверадилар.

1965 йилда «Совет Ўзбекистони» рўзномасида ишлар эдим. Устоз Шайхзоданинг «Ғазал мулкининг султони» деган машҳур мақоласи чоп этилди. Навоий асарлари таҳлилига бағишланган мақолада мисол тариқасида келтирилган яхлит бир ғазал мени масту лол этди. Ўша ғазални қайта-қайта ўқиб, ёд олдим. Ва катта инсоний дард, ошиқ қалбининг чуқур изтироблари домида қолдим. Устод Шайхзода, бошдан-оёқ бир ҳолат, бир кайфият, бир воқеа, бир лавҳа тасвирига бағишланган бу хил ғазаллар **якпора** ғазал деб номланишини уқдириб ўтган эди.

Маълумки, Навоий ғазалиёти мавзу жиҳатдан бениҳоя ранг-баранг. Унда соф ошиқона ғазалларни ҳам, олам ва одам ҳақидаги фалсафий ғазалларни ҳам, чуқур илоҳий руҳ—тасаввуф дунёқараши билан шуҳ лаланган ғазалларни ҳам, табиат лавҳаларини, ғўзал реал борлиқни таранум этган ғазалларни ҳам истаганча кўрамиз. Жуда кўп ғазалларнинг эса бу фазилатларнинг барчаси узвий боғланиб кетган. Бу борада олимларимиз ажойиб тадқиқот ишлари олиб боришган.

Айни замонда юқорида қайд этилганидек, ғоят аниқ кўринишга, ҳаётий асос, соф инсоний кечинмага таянган, қалб ҳайқириғи бўлмиш ғазалларни ҳам кўплаб учратамизки, бу хил ғазалларнинг ҳатто таржимаи ҳолга оид томони борлигига шубҳа қолдирмайди. Навоий ғазалиётидаги «ёр» образини ҳамиша ҳам илоҳийлик тушунчаси билан боғлайвериш тўғри эмас. Акс ҳолда, «На хуш бўлғай, икковлон маст бўлсак даҳр боғинда, қўлим бўлса анинг бўйнидаю оғзим қулоғинда» ёки «На хуш бўлғайки, бир кун уйқулик бахтимни уйготсам, кечалар тори мўйиндек белига чирмалиб ётсам» каби байтларни қандоқ изоҳлаш мумкин?!

Хулласи калом, мақолада зикр этилган ўша ғазалда ўз ётоқхонасида оғир хасталаниб, иситма оташида ўртаниб ётган ғўзалнинг қиёфаси, азоби ва унинг бошида оҳу надомат уриб минг изтиробга тушган ошиқнинг нолаю муножоти юракларни ларзага соларди. Мана ўша ғазалнинг матлаъи, яъни, бош байти:

Иситқон, нозанин, жисмингки тердин тушди тоб ичра,
Эрур бир оташин гул баргиким, ётқай гулоб ичра.

Иситма шиддатидан терга ғарқ бўлиб, жон талвасасида ётган ул ғўзал худди гулобга тушган оташин бир гул барги каби титрайди, тўлғанади, ёнади... Биз шоир билан ҳамдард бўлиб, воқеанинг гувоҳига айланамиз. Ушбу манзилдаги оғир инсоний изтиробни ўз кўзимиз билан кўриб, ўз қалбимизда ҳис этамиз. Фикр яна давом этади:

Иситма ранжидин, эй гул, бўлубсен ғунча андоқким
Ҳариру ҳуллалиқ жисминг тушибдир печу тоб ичра.

Тасвирдаги ҳолат тобора чуқурлаштирилмоқда. Иситма шу қадар жазавасига олганки, ул ғўзалнинг ҳарир либосларга чулғанган ғунчадек қиёфаси, бутун вужуди, кўкрак қафаси остин-устин бўлиб бориб-келяпти. «Печу тоб» бўлиш — бу икки дунё ўрталиғидаги хаста инсоннинг ифода қилиб бўлмас изтироби ҳолатидир. Бу дарднинг поёни ҳам, давоси ҳам йўқдай... Шоир бизни бу сўнгсиз дард дунёсига янада теранроқ олиб кираверади:

Исиқлиғдин танинг ўт бўлди, тонг йўқ, неча толпинса,
Ҳароратдин қолибдир шуъла доим изтироб ичра.

Қаранг, тасвир янада қуюқлашди. Иситма ул ғўзал вужудни шундоқ забтига олганки, кўз олдингизга ёниб, шуъла сочаётган чироқ тимсоли келади. Бу ерда фавқулодда ўхшатиш мавжуд. Чироқ сўниши олдидан бирдан ёрқинроқ ёниб, маромини йўқотиб, ўз ҳарорати зўридан худди шундай ҳолатга тушади. Лекин ошиқни умид тарк этган эмас. У ўз жонини ўтларга ёқиб бўлса ҳам ёрининг саломат қолиши йўлида ўзини фидо этишга ҳар лаҳза тайёр. Шоир бизни бу оғир аҳволнинг аниқ лавҳалари, реал манзарасига янада яқинроқ олиб кираверади:

Қизил чодаршабу мовий тўшаклар ичра титрарсен,
Анингдекким, қуёш кўклар билан гулгун саҳоб ичра.

Кўз олдимизда бу ҳолат янада аниқ кўриниш, моддийлик, ранг-бўёқ, реал тарз касб этаётир. Ул ғўзал мовий, яъни кўм-кўк шоҳи тўшаклар ва қизил тусли чойшаб ичида ҳамон шундай титрамоқдаки, мовий самони, булутларни қизартириб ботаётган қуёшнинг ҳолатини эслатади. Сўнаётган чироқдан сўнг ботаётган қуёш ташбиҳи ғўзалнинг оғир бетоблигини янада бўрттириб кўрсатади ва яққол мантиқий изчиллик юз беради.

Улуғ Навоий ўзининг кўп ғазалларини ранглар нисбатига қуриб, гоҳ мувофиқлик, гоҳ зиддиятли кайфиятни ифодалашда ғоят моҳирона фойдаланади. Турли ранглар турлича туйғуларни талқин этишнинг воситаси сифатида Ҳазратнинг барча девонларини безаб туради. «Эй Навоий, олтину шингарфу зангор истама, бўлди назминг рангидан девон қизил, сориғ, ящил» — деб бежиз айтмаганлар-да, ахир! Фикрни чалғитмай, яна олдинги вазиятга қайтайлик. Ўт-оташ ичида ёнаётган ғўзалнинг оғриқларига шериклик ҳисси бизни ўз қамровига тобора кўпроқ тортаверади:

Лабинг ёқути ичра қатра-қатра термидур, ёхуд
Тушибдир дона-дона инжу икки лаъли ноб ичра.

Яъни, ёқут лабинг ичра титраб турган оқ резалар тер доналарими ёхуд иккита қизил лаъли ноб ичига аралаш тушиб қолган дона-дона оқ инжулармидир? Бу ерда ҳам ранглар нисбати воқеабандликни оширмоқда, ёр сувратини гавдалантиришга хизмат этяпти. Яна давом қиламиз:

Дедиларким, хароб ўлмиш иситмоқ бирла жонининг,
Не ўтларким бу сўздин тушмади жони хароб ичра.

Шоирнинг (ошиқнинг) қулоғига ёрининг, яъни ул ғўзалнинг қаттиқ бетоблиги — иситма оташида ёнаётганлиги ҳақидаги мудҳиш хабарни етказганларида унинг юрагига қандай ўтлар туташганлиги юқоридаги байтдан кўриниб турибди. Эътибор беринг: ёр ҳам, ошиқ ҳам ўт ичида. «Бу сўздин» деган ибора ҳам форсча-тожикча ўт-олов, ёниш маъносини билдириб, сўз ўйини ҳам бор айни пайтда. Иккинчидан, сўз — дарак маъносида воқеанинг давомийлигини, яъни ёрнинг қаттиқ бетоблигини эшитиб, дунёси коронғи бўлиб кетган шоирнинг бу даргоҳга қандай уқубатда етиб келганлигидан ҳам огоҳ этади. Ёрнинг боши узра ўртанаётган ошиқнинг юрагида йилт этган учқун — ул ғўзалнинг яна ойдек тани соғайиб, тўлин ойдек яна тўлишиб, ўз аслига қайтишига бўлган кучли ички ишончдир. Унинг сўнгсиз аламлари, унсиз фарёди замирида шу далда балқиб туради.

Ўзумни соқиё, соғ истаман, тутқил тўла соғар—
Ки, чархи мунқалиб давронни истар инқилоб ичра.

Ахир, ўзгарувчан бу жаҳон ичра давронлар ҳам ҳамиша ўзгаришда, ҳамиша ҳаракатда... демак, бахтсизликдан сўнг бахтнинг юзага чиқишида бу ҳаётда асос бор. Ғазалнинг охирги байти, яъни, мақтаъи ана шундай некбинлик руҳи билан суғорилган:

Навоий ёрни топсанг саломат, хайрбод этким,
Яна заъф этса ногоҳ, қолмагай жонинг азоб ичра.

Кўриниб турибдики, бу ғазал бошдан-оёқ бир воқеа, бир манзара, бир ҳолат тасвирига бағишланган. Шоирнинг бутун фикри, туйғулари бир нуқтага қаратилган. Айни замонда бу ғазалда буюк инсоний дард ёлқинланган. Бунда ёр образи, ёр изтироби, ошиқ ҳолати ғоятда реал — улар замин кишилари, аждодларимиз тимсоли. Яна таъкидлаймизки, бу хил шеърлар Навоий ғазалиётининг маълум бир қисмини, улкан санъат оламининг порлоқ бир бўлагини ташкил этади, холос. Юқорида кўздан ўтказилган мазкур ғазални жон-жонимдан севиб, баҳоли қудрат муҳаммас боғлаган эдим. Ўша муҳаммасни диққатингизга ҳавола этаман.

Навоий ғазалига муҳаммас

Не дардга чулғанибсан, эй нигоро, ваҳм хоб ичра,
Ёнурми ташналаб саҳро сенингдек чўғ сароб ичра,
Шифо истаб, тополмасман давосини китоб ичра,
Иситқон, нозанин, жисмингки тердин тушди тоб ичра,
Эрур бир оташин гул баргиким ётқай гулоб ичра.

Бу ҳасрат жисму зоримни ёқибдир мисли чақмоқким,
Ишим фарёд ила оламни эмди ўтга ёқмоқ ким,
Куяр оҳим шароридин бу ўтга бўлса боқмоқ ким,
Иситма ранжидин, эй гул, бўлибсан ғунча андоқким,
Ҳариру ҳуллалиқ жисминг тушибдир печу тоб ичра.

Наҳот, нозик бу кўнгил шишаси ғам сангидан синса,
Ниҳолимга қазо офатлари ҳар лаҳза ёпринса,
Умидим шуп, баногоҳ бунча ғурбатлар тамом тинса,
Исиқлиғдин танинг ўт бўлди, тонг йўқ, неча толпинса,
Ҳароратдин қолибдир шуъла доим изтироб ичра.

Иложин қил ўзинг, жоним, нечук ўлмоғим истарсен,
Эзиб жонимни малҳам айласамми жонни асрарсен,
Сариқ ранг солмасин соя, ҳали бир ғунчаи тарсен,
Қизил чодаршабу мовий тўшаклар ичра титрарсен,
Анингдекким, қуёш кўклар била гулгун саҳоб ичра.

Ҳарорат зўридан гоҳи бўлибсан ҳуд, гоҳи беҳуд,
Кўзингни оч, мени дарду аламда қилмайин нобуд,
Руҳинг ранж чекмасин, эмди саломатлик удумни тут,
Лабинг ёқути ичра қатра-қатра термидур, ёхуд
Тушибдир дона-дона инжу икки лаъли ноб ичра.

Менга еткуздилар ногоҳ, қаро бўлди деб осмонинг,
Неча кунким бу дард ичра ёнармиш жисм ила жонинг,
Кўтар бошинг, кулиб боққил, бўлай ёнингда қурбонинг,
Дедиларким, хароб ўлмиш иситмоқ бирла жонининг,
Не ўтларким бу сўздин тушмади жони хароб ичра.

Ниёз айтдим ўзимга: ёр дуосини зиёд этким,
Бўлиб ёнида парвона, садоқат, эътиқод этким,
Тилаб соғлиқларин, илгин ўпиб, қутлуғ мурод этким,
Навоий, ёрни топсанг саломат, хайрбод этким,
Яна заъф этса ногоҳ, қолмагай жонинг азоб ичра.

Жуманиёз ЖАББОРОВ.

ЭЪЛОН ВА БИЛДИРУВЛАР

Ўзбекистон ССР Жисмоний тарбия ва спорт Давлат Қўмитаси

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ОЛИЙ БИЛИМГОҲИ

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

КУНДУЗГИ БЎЛИМ:

олийгоҳ спортнинг акробатика, баскетбол, бокс, велоспорт, волейбол, денгиз кўпкураши, енгил атлетика, кураш (классик, эркин, самбо, дзю-до, миллий кураш), оммавий жисмоний тарбия-соғломлаштириш ишлари ва туризмни ташкил этиш, оғир атлетика, спорт гимнастикаси, спорт кибернетикаси, сузиш, теннис, футбол, чим хоккей, қайиқ ҳайдаш спорти, қиличбозлик, қўл тўпи бўйича жисмоний тарбия ўқитувчилари-тренерларни тайёрлайди.

СИРТҚИ БЎЛИМ:

таълимнинг кундузги шаклида кўрсатиб ўтилган спорт турлари бўйича жисмоний тарбия ўқитувчилари-тренерларни тайёрлайди.

Олийгоҳга кирувчилар танланган спорт тури бўйича камида учинчи катталар спорт разрядига эга бўлишлари керак. Бу талаб «Спорт кинернетикаси» ихтисоси бўйича ўқишга кирувчиларга ҳам дахлдордир.

ЭСЛАТМА: «Оммавий жисмоний тарбия-соғломлаштириш ишлари ва туризмни ташкил этиш» мутахассислиги бўйича ўқишга кирувчилар ГТО ёзги кўпкураши бўйича ёки унга кирувчи турлардан бири бўйича камида учинчи катталар спорт разрядига эга бўлишлари зарур.

Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия олий билимгоҳига ўрта маълумотга эга бўлган СССР фуқаролари ҳамда СССР ҳудудида яшовчи чет эл фуқаролари қабул қилинади.

ЎҚИШГА КИРУВЧИЛАР ҚУЙИДАГИ КИРИШ ИМТИҲОНЛАРИНИ ТОПШИРАДИЛАР:

ТАНЛОВЛИ ИМТИҲОНЛАР — спортнинг танланган тури, махсус жисмоний тайёргарлик, биология (оғзаки).

ТАНЛОВСИЗ ИМТИҲОНЛАР — сузиш, ўзбек ёки рус тили ва адабиёти (ёзма).

«СПОРТ КИБЕРНЕТИКАСИ» мутахассислиги бўйича ўқишга кирувчилар қуйидаги имтиҳонларни топширадилар:

ТАНЛОВЛИ ИМТИҲОНЛАР — математика (оғзаки), спортнинг танланган тури, биология (оғзаки).

ТАНЛОВСИЗ ИМТИҲОНЛАР — сузиш, ўзбек ёки рус тили ва адабиёти (ёзма).

«Оммавий жисмоний тарбия-соғломлаштириш ва туризмни ташкил этиш ихтисоси»га кирувчилар қуйидаги имтиҳонларни топширадилар.

Танловли — ГТО ёзги кўпкураши, махсус жисмоний тайёргарлик ва биология (оғзаки);

Танловсиз — сузиш, ўзбек ёки рус тили ва адабиёти (ёзма).

Ўқишга қабул фақат танловли имтиҳонларда тўпланган баллар миқдори бўйича ўтказилади. Қолган имтиҳонлар «қониқарли» ва «қониқарсиз», усулида баҳоланади.

Қабул комиссиясининг қарорига биноан сиртқи таълим куллиётига қабул қилиш режасидаги 40 фоиз ўрин тугалланган ўрта жисмоний тарбия таълимига эга ва мутахассислиги бўйича камида икки йил ишлаган, суҳбатдан муваффақиятли ўтган ҳамда ихтисоси бўйича танлов имтиҳонини (танланган спорт тури, МЖТ) ва сузишни ижобий баҳога топширган абутуриентларни қабул қилишга ажратилади.

Хизмат кўрсатган спорт усталари ва халқаро маҳоратли спорт усталари спортнинг ўзлари танлаган тури бўйича кириш имтиҳонларидан озод қилинадилар.

Ўқиш муддати кундузги таълимда тўрт йил, сиртқи таълимда беш йил.

1991 йил 15 июлгача абитуриентлар учун сузиш, биология, ўзбек ва рус тили ва адабиёти бўйича тайёрлов машғулотлари ташкил этилади.

1 ИЮЛДАН 10 ИЮЛГАЧА ТАНЛАНГАН СПОРТ ТУРЛАРИ БЎЙИЧА КОНСУЛЬТАЦИЯЛАР ЎТКАЗИЛАДИ.

Аризага қуйидаги ҳужжатлар қўшиб топширилади: ўрта маълумот ҳақида ҳужжат (асл нусхаси), 086/У шаклидаги тиббий маълумотнома, (3х4 см. ҳажмда- 7 та фотосурат, иш жойидан маълумотнома (ишлайдиганлар учун), спорт маҳорати дафтарчаси ва ёшига мувофиқ ГТО гувоҳномаси (асл нусхаси), ГТО талабларини бажарганлик тўғрисидаги ҳужжат бир йил давомида амал қилади.

Эслатма: сиртқи бўлимга кирувчилар қайд этилган ҳужжатларга қўшимча қилиб меҳнат дафтарчасидан кўчирма ва иш жойидан маълумотнома топширадилар.

Паспорт, ҳарбий билет ёки ҳарбийга алоқадор гувоҳномаси кўрсатилади.

Жисмоний тарбия олий билимгоҳининг хусусиятини ҳисобга олган ҳолда ҳамма абитуриентлар Ўзбекистон соғлиқни сақлаш вазирлигининг жумҳурият тиббий-жисмоний тарбия диспансерида тиббий кўрикдан ўтадилар.

Ҳужжатлар кунду зги бўлимга 15 июлгача қабул қилинади.

Кириш имтиҳонлари 17—31 июлда ўтказилади.

1 сентябрдан бошлаб таълим олиш ҳуқуқига эга талабалар қаторига ўтказиш 5 августгача бўлади.

Олийгоҳга қабул қилинганлар Низомга мувофиқ махсус спорт кийими ва стипендия билан таъминланадилар. Узоқдан келганларга ётоқхона берилади.

Олий билимгоҳ манзили: 700052, Тошкент шаҳри, 52-алоқа бўлими, Новомосковская кўчаси, 2-уй.

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Тилшунослик ва адабиёт илмгоҳларининг илмий жамоалари таниқли шеваШунос олим, филология фанлари номзоди

Аҳмад ИШАЕВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг қариндошлари ва яқинларига таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССР Телекўрсатув ва радиоэшиттириш давлат қўмитасининг бадиий жамоалари Дони Зокиров номидаги ўзбек халқ чолғу оркестрининг созандаси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Ҳ. Жўраевга ўғли

Равшан ЖУРАЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон ССР Телевидение ва радиоэшиттириш давлат қўмитаси жамоаси телевидение диктори Н. Мақсудовага онаси

Енутхон МУҲИТДИН қизининг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон ССР Савдо ва саноат палатаси жамоаси хўжалик ҳисобидаги «Сирдарьявнешсервис» фирмасининг директори

Сафар Жаббарович ЖАББОРОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор этади.

«Ўзбекистон» нашриёти жамоаси катта муҳаррир К. Бўроновга онаси

Ўрозгул БУРОНОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССР Энергетика ва электрлаштириш вазирлигининг 1-сон «Узсельэлектростой» тресті ҳамда шу трестга қарашли Наманган вилояти 11-сон механизациялашган колоннаси жамоалари колоннанинг катта прораби, энергетика фахрийси

Абдужалил БУРИБОЕВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

АФҒОН МУТАХАССИСЛАРИ — МЕҲМОНИМИЗ

Тошкент вилояти. Афғонистонлик бир гуруҳ халқ таълими мутахассислари Янгийўлга ташриф буюришди. Уларнинг мақсади — ўзбекистонлик ҳамкасбларининг тажрибаларини ўрганиш, шунингдек, халқнинг турмуши билан яқиндан танишишдан иборат. Меҳмонлар Янгийўлда болалар боғчаларида бўлишди, шаҳардаги пойабзал фабрикасига боришди, шаҳарнинг диққатга сазовор жойлари билан танишишди.

Суратда: меҳмонларнинг шаҳардаги 6-болалар боғчасида бўлишган пайти акс эттирилган.

Ф. ҚУРБОНБОЕВ олган сурат (ЎзТАГ).

СПОРТ

ПЕШҚАДАМЛИККА ДАЎВОГАР

● Франция йўллари бўйлаб профессионал пойгачилар ўртасида ўтказилаётган халқаро мусобақа қизғин паллага кирди. Тошкентлик таниқли пойгачи Жамолиддин Абдужабборов астойдил ҳаракат қилиб, кучлилар сафидан жой олишга уринмоқда. Унинг биринчи босқич мусобақасида ғалаба қозонгани мутахассисларни мамнун этганди. Жамолиддин тўртинчи босқичда ҳам бўш келмади. 286 километрли йўлни 7 соат 49 минут 14 секундда босиб ўтди. Куни кеча вакилимизнинг еттинчи босқичида ҳам ғалаба қозонгани маълум бўлди.

ЎНГЛАНИШ ЙЎЛИДА

● Шарқий минтақа футбол жамоалари навбатдаги учрашувларни ўтказишди. Икки учрашув диққатга сазовор бўлди. Чунончи, пешқадам «Океан» футболчилари ўзлари бир хил мавқега эга бўлиб турган «Олга» жамоасини енгиб (1:0), 31 очко билан янада мустаҳкамланиб олишди. Мавсумда ғалаба юришмай турган «Сурхон» футболчилари эса пешқадамлар сафида бораётган «Копетдоғ» жамоасини худди шу ҳисобда мағлубиятга учратиши ҳам мухлисларда умидворлик уйғотди. Охирги ўриндаги мавқеини ўнглашга ҳаракат қилаётган футболчиларимизда 12 та очко бор.

Бош муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

Рўзнома таҳрир ҳайъати: Ҳ. ИКРОМОВ, Н. М. МАЖИДОВ, С. МУҲАММАДЖОНОВ, М. Қ. МУҲСИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Т. Н. НАЖМИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари), В. Т. ОДИЛОВ, М. Қ. ПИРМАТОВ, Р. Қ. ТУРСУНОВ, Я. ТУХТАЕВ, Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ, М. ХАЙРУЛЛАЕВ, Ж. ХОЛҚОСИМОВ, Э. С. ХУЖАЕВ (масъул котиб), М. ШЕРБУТАЕВ, О. ҲИКМАТОВ.



БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: *700000, Тошкент-ГСП, Ленинград кўчаси, 32.*

БЎЛИМЛАР: муштарийлар фикрини ўрганиш ва хатлар — 33-21-43, 33-54-55, 32-53-16, 32-53-21, 31-11-49, 32-54-06; қайта қуриш ва ижтимоий адолат — 32-55-70, партия турмуши — 33-34-69, 33-38-55, 32-53-97, 32-57-19, саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 33-81-48, 32-53-14, 32-54-09; қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 33-07-20, 32-53-15, 32-53-70; совет қурилиши — 33-15-29, 32-57-20, 32-54-18; фан, маданият ва халқ таълими— 33-44 51, 32-57-21; адабиёт ва санъат — 33-20-36, 33-12-56, 32-54-35, 32-55-16; ахборот ва спорт—33-14-24, 32-55-17; аҳлоқ одоб —32-54-29; фельетонлар—32-54-54-27; безатиш—32-57-22.

ЎЗ МУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-48-85, Бухорода — 3-96-12, Гулистонда — 2-63-48, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда — 35-22-90, Тошкентда — 32-53-20, Урганчда — 6-80-04, Фарғонада — 6-90-89.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» («Советский Узбекистан») Орган ЦК Компартии Узбекистана

Нашр кўрсаткичи 64583. Буюртма № 5691.
Босишга топшириш вақти — 21.00.
Босишга топширилди—21.00
№ 133.

● Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. 700000 Тошкент ГСП, Ленинград кўчаси, 32. Рўзнома офсет усулида А—2 форматида босилади. ● 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12